Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ ЗУЛ-ҲИЖЖА, 19-КУН. ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ САРАТОН, 13-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган — 1991 йил 2 июль, сешанба, 124-сон — НАРХИ обуначига 7 тийин. сотувда 10 тийин.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарори

ЯНГИ ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАДАН ЧЕТГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Мавжуд мева-сабзавот маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш, колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ташкилотларининг зарур воситалар ҳамда ресурсларга бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш, етиштирилган ҳосилни сотишда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига ёрдам бериш ва республиканинг истеъмол бозорини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, узум, янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини республикалараро битимлар ва бевосита алоқалар бўйича республикадан Умумиттифоқ фондига етказиб бериш асосида республика корхоналари, хўжаликлари ва аҳолиси учун ғоят танқис бўлган озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари ва ишлаб чиқариш-техника маҳсулотига алмаштириш ишларидаги шартномалар бўйича амалга оширилади.

Умумиттифоқ фонди ҳисобига махсус истеъмолчиларга етказиб бериладиган мева-сабзавот маҳсулотлари, шунингдек етиштириш мавсумида сотишни талаб қиладиган эртаги карам ва полиз маҳсулотлари (тарвузнинг бир қисми) бундан мустаснодир.

2. «Узплодоовошвинпром» концерни, «Узкоопзаготторг» бирлашмаси, Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети ой муддат ичида маҳсулотларни олувчилар билан тузилган, моллар ва моддий ресурсларни етказиб бериш кўзда тутилмаган шартномаларни қайта кўриб чиқсинлар. Бунда четга чиқариладиган маҳсулотларга алмаштириладиган зарур товарлар, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотлари республикага келтирилишини таъминлашни назарда тутсинлар.

3. 1-банднинг биринчи хатбошида кўзда тутилган узум ва янги маҳсулотларни четга чиқариш учун колхозларга, совхозларга, корхоналарга, тайёрлов ва бошқа ташкилотларга рухсатнома Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетинг («Ташгорагропром» хўжаликлари учун) махсус комиссиялари томонидан берилади. Рухсатнома «Узплодоовошвинпром» ва «Узкоопзаготторг»нинг вилоят бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилади.

Бунда маҳсулотларни четга чиқариш учун рухсатнома уларни республика фондига етказиб беришнинг тасдиқланган ҳажмлари, яъни етиштириш ҳажмларининг камида 60 фоизи албатта бажарилган тақдирда берилади.

Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига Умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш ва республикалараро битимлар бўйича маҳсулот етказиб бериш қандай бажарилаётганини назорат қилиш юклатилсин, бунда ушбу ҳолатда маҳсулотларни сотиш шартномавий (эркин) нархлар бўйича амалга оширилиши назарда тутилсин.

Қуритилган сабзавотлар, кишмиш ва майиз, мева-сабзавот консервалари, жумладан, помидор шарбати ва винобоп маҳсулотларни (Умумиттифоқ фондига ва республикалараро битимлар бўйича етказиб беришдан ташқари) четга чиқариш учун рухсатнома фақат Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги республика комиссияси томонидан ва айирбошлаш бўйича иқтисодий жиҳатдан фойдали шартномалар мавжуд бўлгандагина берилади.

4. 1991 йил 1 июлидан бошлаб кооперативлар, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар республикадан четга чиқарадиган узум, янги, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларига бож жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, бож Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 5 апрелдаги 89-сон қарорига мувофиқ мева-сабзавот маҳсулотларига белгиланган ўртача энг юқори шартномавий нархларга нисбатан фоиз ҳисобида олинади.

Бож миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Аниқлаб қўйилсинки, мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган узум, янги, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини четга чиқариш учун район ижроия комитетининг (Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятларнинг марказларида шаҳар ижроия комитетининг) комиссиялари томонидан берилган рухсатномалар ва бож тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат: кооперативлар учун банк хизмат кўрсатувчи бўлимининг тўлов ҳужжати; ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва бошқа фуқаролар учун жамғарма банкининг квитанцияси асос бўлиб ҳисобланади.

5. Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети бир ҳафта муддат ичида республикадан четга чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми тўғрисида натура ва қиймат тарзидаги статистик ҳисоботни ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

Белгилансинки, мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан четга чиқариш тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар белгиланган шаклларда ва муддатларда статистика идораларига:

кооперативларга Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ва Ўзбекистон саноат қурилиши банкининг уларга хизмат кўрсатувчи бўлимлари томонидан;

фуқароларга Ўзбекистон жамғармалар банкининг бўлимлари томонидан тақдим этилади.

6. Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан четга чиқариш бўйича божларни ҳисоблаб чиқсин ва тўлаш тартибини солиқ идораларига маълум қилсин ҳамда даромадлар бўйича ҳисоботларга тегишли ўзгаришлар киритсин, бунда божнинг Қорақалпоғистон МССР вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ўтказилишини назарда тутсин.

7. Ўрта Осиё Темир йўли бошқармаси, Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлиги мева-сабзавот маҳсулотларини республикадан четга чиқариш учун колхозларга, совхозларга, тайёрлов ташкилотларига, кооперативларга, ижарачиларга, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига ва бошқа фуқароларга транспорт воситалари беришда мазкур қарорнинг 3- ва 4-бандларига қатъий амал қилсинлар.

8. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги мева-сабзавот маҳсулотларини транспортнинг барча турларида республикадан четга чиқаришнинг ушбу қарор билан белгиланган тартибини таъминлаш устидан узлуксиз назорат ўрнатсин.

Рухсатнома ва солиқни тўлаганлик ҳақидаги квитанция бўлмаган тақдирда мева-сабзавот маҳсулотларини четга чиқариш тақиқланади, улар эгасига қайтарилади ёки унинг розилиги билан шартномавий нархларда «Узкоопзаготторг»нинг тайёрлов ташкилотлари томонидан қабул қилиб олинади.

9. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, район ижроия комитетлари ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги идоралари мева-сабзавот маҳсулотларининг республикада қаршиликсиз ташилишини ва Тошкент шаҳрига етказиб берилишини таъминласинлар.

Вазирлар маҳкамасининг раиси — И. КАРИМОВ.

КООПЕРАТИВЛАР, ИЖАРАЧИЛАР, ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ, БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН РЕСПУБЛИКАДАН ЧЕТГА ЧИҚАРИЛАДИГАН УЗУМ, ЯНГИ, ҚУРИТИЛГАН ВА ҚАЙТА ИШЛАНГАН МЕВА-САБЗАВОТЛАРГА СОЛИНАДИГАН БОЖ СТАВКАЛАРИ

(1991 йил 1 июлдан жорий қилинади)

Даврлар	божнинг ўртача энг юқори шартномавий нархга нисбатан фоиз ҳисобидаги ставкалари
I давр — январь—апрель	60
II давр — май—июнь	30
III давр — июль—сентябрь	20
IV давр — октябрь—декабрь	30

ЭСЛАТМА: божнинг кўрсатилган ставкалари 5 тоннагача бўлган маҳсулотни бир галги четга чиқаришда белгиланади; маҳсулот миқдори 5,1 дан 10 тоннагача бўлганда бож ставкалари 1,5 баравар, 10 тоннадан кўп бўлганда 2 баравар ошади.

Водийларни яёв кезганда...

УН ТИЙИНГА ТУШАЁТГАН ҒИШТ

НИШОН. 200 минг сўм совет пулига Франциядан ғишт тайёрлайдиган дастгоҳлар келтирилди.

Шахсий уй-жой қурувчилар кўпайиб, ғишт тақчиллиги сезилганда, район раҳбарлари тангликдан тез қутулиш мақсадида франциялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилишга келишишганди. Хориждан келтирилган дастгоҳлар ишга туширилгач, аҳвол анча яхшиланди. Кичик корхона аҳолига 23 минг сўмлик ғишт етказиб берди.

Тайёрланаётган ҳар дона ғиштнинг таннархи 10 тийиндан ошаётгани йўқ. Корхона янги дастгоҳлар билан жиҳозлангандан сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулотдан 4 минг сўмдан зиёд соф фойда олади. Даромаднинг маълум қисмини ишчиларнинг моддий ҳимоясига сарфлаш режалаштирилмоқда.

Т. ИСМАТИЛЛАЕВ.

КОРЕЯЛИКЛАР ТАКЛИФИ

ТОШКЕНТДАГИ 2-пойафзал фабрикаси цехларидаги тикув дастгоҳлари замонавийлари билан алмаштирилди.

Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати хорижликларникидан қолишмаяпти. Бироқ корхонада хом ашё таъминоти ҳамон муаммолигича қолаяпти. Самарқанд, Қўқон чарм заводлари аҳдлашув шартларига тўла амал қилишмаяпти.

Тошкент ишбилармонлар учрашувида иштирок этган бир гуруҳ жанубий кореяликлар фабрика цехлари билан танишгач, турли жойларда ҳамкорликда кичик корхоналар қуришни таклиф қилишди.

И. ТОШЕВ.

ЙИЛИГА 5 МИЛЛИОН ДАРОМАД

ТОШКЕНТ. «Таштекстильмаш» заводининг йигирув цехида талаб-эҳтиёж катта бўлган уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, цех ана шу маҳсулотларни сотишдан йилига 5 миллион сўмдан зиёд даромад қиларкан.

ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

ҚАМАШИ. Шаҳар марказида шарқона усулда масжид қад ростлаяпти.

Аҳоли хоҳишини инобатга олиб, масжид ёнида қўшимча бинолар қуришга келишилди. Уни халқ усталари, ҳунармандлар ҳашар йўли билан тиклайдиган бўлдилар.

— Қурилиш битгач, бинони жамоат маркази деб аташга қарор қилдик, — деди район бош меъмори Усмон Кенжаев. — Бу ерда намозхоналарга талай қулайликлар яратишдан ташқари, турли маъракалар, Наврўз сайиллари, никоҳ маросимлари ўтказилади.

Жамоат марказида қизиқувчиларга араб алифбосини ўргатадиган махсус мактаб очиш мўлжалланмоқда.

П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«НАВОИЙ АСТРОБОДДА»

КАТТАҚЎРҒОН. Бундан 25 йил муқаддам Иноят Махсумовнинг уч пардали «Навоий Астрободда» драмаси Каттақўрғон шаҳридаги Абдулҳамид Мажидий номли ўзбек давлат театрида илк бор саҳна юзини кўрган эди.

Улуғ мутафаккир таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан театр санъаткорлари мазкур асарга қайта мурожаат қилишди. Яқинда спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди. Алишер Навоийнинг Астробод вилоятидаги ҳокимлик йиллари, шоир ва давлат арбобининг адолатпарварлиги, халқ билан мудом ҳамнафаслиги, ободончилик, маданият ва санъат ривожига беқиёс эътибори асар воқеаларининг асосидир.

А. ҲОШИМОВ.

«ДИЕР АХБОРОТИ»

ЧИМКЕНТ. Июнь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилида «Диёр ахбороти» номли ҳафтанома чиқа бошлади.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ушбу нашри саҳифаларида, асосан, дала ва яйловларда меҳнат қилаётганларнинг турмуши ёритилади. Шунингдек, муштарийлар турли янгиликлар, ҳаётий ҳодисалар, чет эл хабарлари билан ҳам танишадилар.

М. МИРХОЛДОРОВ.

БЕШ ЮЗ АЕЛ ҚУВОНЧИ

Карл Маркс номли давлат хўжалиги ҳудудидаги Кўк-гумбаз маҳалласида ип-йигирув фабрикаси барпо этилаяпти. Бу иншоотни «Андижанводстрой» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли механизациялашган 3-кўчма колонна қурувчилари тикламоқдалар.

Участка бошлиғи Одилжон Шариповнинг айтишича, бўлажак корхонада жами 3 миллион 896 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Ҳозиргача 2,6 миллион сўмлик юмуш уддаланди. Беллашувда электрпайвандчилар Эркинжон Худойбердиев, Мухторжон Усмонов, сувоқчилардан Абдуфаттоҳ Ризақулов, Равшанбек Тўлашев, Абдуллажон Мирзаабдуллаев, Қосимжон Отажонов байроқдорлик қилмоқдалар.

Фабрика фойдаланишга топширилгач, халқ истеъмоли моллари: кўйлак, майка, пайпоқ ишлаб чиқарилади. Бунинг учун Хартум ва Харабек қишлоқларидан 500 дан зиёд аёл фойдали меҳнатга жалб қилинади.

Жалолиддин ТУРДИЕВ, Андижон районидаги 25-мактаб директори.

Нодиржон АБДУСАТТОРОВ, «Андижон тонги» рўзномасининг мухбири.

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ГУЛИСТОН. Ўн учинчи чақириқ халқ депутатлари Сирдарё вилоят советининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда «Истеъмол бозори ва пул муносабатларини тартибга солиш юзасидан маҳаллий советлар амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон ССР Президентининг республика қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармонининг бажарилиши ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди. Юқоридаги вазифалар қандай бажарилаётганлиги ҳақида вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Кровнов маъруза қилди.

Сессияда вилоят советининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. Айдарқулов нутқ сўзлади. Депутатлар кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

Т. АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Рўзномалар ҳамкорлиги

ҚЎШ ҚЎЛЛАБ ТЕРИЛГАН ГУЛДАСТА

ХАЛҚЛАР дўстлиги ҳақида фикр юритиш ҳозир русум бўлмай қолди. Шу хусусда оғиз очсанг, сени эрмак қилиб, устингдан кулишади ҳам. Демократия, қайта қуриш, ошкоралик замонасида ҳали у ер-ҳали бу ердан келиб чиқаётган миллий низолар, ҳудуд талашишлар, баъзи ҳолларда неча асрлар оша аҳилиноқ яшаб келаётган икки халқ орасига атайлаб адоват ва бузғунчилик уруғини сочишлар сабаб бунга. Аммо аслида ҳам шундайми? Асло. Халқлар дўстликда, иттифоқда кун кечиришдан, ҳамкорлик қилишдан, иқтисодий, сиёсий, маданий жабҳаларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ечимини биргаликда, ҳамжиҳат бўлиб топишдан манфаатдор. Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнаткашларининг биродарона иш тутаётганликлари бунга ёрқин мисол.

Тожику ўзбекни бир дуторнинг икки тори деб таърифлашади. Дарҳақиқат, шундай. Бир-бирисиз жаранглашмайди, куйламайди, сўйлашмайди. Бу икки халқнинг созандаси ҳам, хонандаси ҳам дўстликдир.

Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитети нашри — «СОВЕТ ТОЖИКИСТОНИ» ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши рўзномаси — «ХАЛҚ СЎЗИ»нинг яқинда Душанбеда чоп этилган қўшма сони бошдан-оёқ ана шу ғоя билан суғорилган. Ҳар икки таҳририят ходимларининг ижодий ҳамкорлигида тайёрланган ушбу сонда берилган мақолалар, суҳбатлар, хабарлар, шеър, ҳикоялар, фотосуратларда ўзбегу тожикларнинг бугунги ҳаёти, яхшилик, эзгулик, кори хайр, савоб йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишлари, орзу-умидлари тараннум этилган.

Биринчи саҳифада «Халқ сўзи» рўзномасининг бош муҳаррири, СССР халқ депутати А. Мухторовнинг «Тангримиз бир, тақдиримиз бир», «Совет Тожикистони» рўзномасининг бош муҳаррири, Тожикистон ССР Президентлик кенгаши аъзоси Т. Жўрабоевнинг «Уйимизнинг тўрида дутор» номли мақолаларида ҳар икки халқ ўртасида тобора камол ва равнақ топаётган дўстона ҳамкорлик хусусида самимий сатрлар битилган. Журналист Шоди Сатторнинг Тожикистон ССР прокурори вазифасини ижро этувчи Тўхта Почомуллаев билан суҳбати, «Халқ сўзи»нинг Ленинобод вилояти бўйича мухбири Ўринбой Усмоннинг «Ўргимчак тўри» мақоласи, ўзбек шоиралари Муҳтарама Улуғ қизи ва Гулчеҳра Йўлдошеванинг шеърлари, Чўлпон мукофоти совриндори Азим Суюннинг «Биринчи қалдирғоч» китобидан парча, Пўлат Адҳам ўғлининг «Бензин тоға» ҳажвияси, Ҳ. Эрбобоевнинг «Пулни уйда асраманг» ўгити, ҳар икки республика ҳаёти янгиликлари муштарийларга манзур бўлди.

«Халқ сўзи» таҳрир ҳайъати бошқа қардош республикаларнинг рўзномалари билан ҳам ижодий ҳамкорликда қўшма сонлар чиқаришни мўлжаллаяпти.

Парламент янгиликлари

Қонун қандай амал қилмоқда?

«Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига тўртинчи ой кетаяпти. Хўш, иқтисодиётимизни ривожлантириш, уни тангликдан чиқишга кўмаклашадиган бу муҳим ҳужжат жойларда қандай амал қилмоқда? Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитети Наманган вилояти мисолида ана шу масалани атрофлича ўрганиб чиқди. [illegible]ли тоифадаги халқ депутатларининг фаол иштироки билан ўтказилган текшириш кўрсатдики, вилоятдаги кўпгина корхоналар моллар ҳамда хизматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш орқали юксак рентабелликка эришмоқда. Вилоятда мулкчиликнинг жамоа шаклларини ривожлантириш, ижарачилик асосидаги меҳнатни жорий этиш, тадбиркорликни кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажми кўпайди.

Шу билан бирга текшириш жараёнида халқ депутатлари маҳаллий советлари ушбу қонунни тарғиб қилувчи доимий комиссиялар, тегишли деп[illegible] уюшмалари томонидан кўриб чиқилиши [illegible] кам шуғулланаётганлиги маълум бўлди. [illegible]убот жамиятлари қошида ташкил этилганда корхоналар ва цехлар чала қувват билан ишлаяпти.

Комитет мажлисида ушбу масала кўриб чиқилиб, халқ депутатлари Наманган вилоят советининг зиммасига келгуси йили ана шу текширишда қайд этилган камчилик ва нуқсонларни қандай бартараф этилганлиги ҳақида ахборот бериш вазифаси юкланди.

ИЖРО МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитети ўтган йили Навоий шаҳри ва унга туташ ноҳияларда экологик вазиятнинг ночорлиги ва уни соғломлаштириш чоралари ҳақидаги масалани ўрганиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиққан эди. Комитет кеча бўлиб ўтган мажлисида яна шу мавзуга қайтди. Халқ депутатларидан тузилган махсус комиссия ўша муҳокамада қабул қилинган қарор қандай бажарилаётганлиги ҳақида ахборот берди. Унда шаҳар корхоналари ўтган йили ана шу маҳсулотлар учун режаланганидан анча кўп маблағ сарфлаганликлари қониқиш билан таъкидланди.

Аммо ҳамон шаҳар корхоналарида ерости сувларини булғаш, корхона ташқарисига зарарли ва заҳарли моддаларни чиқариб ташлаш давом этмоқда. Чиқиндиларни зарарсизлантириш иншоотлари қуввати ниҳоятда кам. Янгиларини қуриш эса ғоят суст бораётир, Айрим меҳнат коллективлари бу масалага боқибеғамлик билан қарашда давом этмоқдалар. Бунга Навоий иссиқлик электр станцияси ҳамда электрохимия заводини мисол қилиб келтириш мумкин.

Комитет ана шуларни инобатга олиб, экологик вазиятни соғломлаштириш ҳақидаги ўз қарорининг бажарилиш муддатини яна чўзишга аҳд қилди.

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИГА ҚЎЙИЛАДИ

Фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш комитетида бир қатор қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари давом этмоқда. «Таълим ҳақида», «Илмий-техника сиёсати», «Интеллектуал мулкчилик» ҳақидаги қонун лойиҳалари ана шулар жумласидандир. Бу иш учун халқ депутатлари, олимлар, турли вазирликларнинг мутахассислари жалб этилган. «Таълим ҳақида»ги қонун лойиҳаси яқинда халқ депутатлари вилоят, шаҳар, район советларининг тегишли комиссиялари раислари иштирокида муҳокама қилинди. Ушбу муҳим ҳужжат лойиҳаси ҳадемай умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Қонуннинг вазифалари**

Ушбу Қонун фуқароларнинг динга ёки шунга мос эътиқодга ўз муносабатини белгилаш ва ифодалаш ҳамда ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва диний расм-русумларни бажариш ҳуқуқларини таъминлайди, ижтимоий адолат ва тенгликни, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туради.

2-модда. **Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар**

Ўзбекистон ССЖнинг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон ССЖ Конституциясидан, Ўзбекистон ССЖнинг ушбу Қонунидан ва Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонун ҳужжатларидан, Қорақалпоғистон МССЖ ҳудудида эса, шунингдек, Қорақалпоғистон МССЖ Конституцияси ва қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. **Виждон эркинлиги ҳуқуқи**

Виждон эркинлиги — бу фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Бу қонуний ҳуқуқ Ўзбекистон ССЖ Конституцияси ва ушбу Қонун билан кафолатланади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўзаро келишиб, фарзандларини ўзларининг эътиқодларига ва динга муносабатларига мувофиқ тарзда тарбиялашга ҳақлидирлар.

Фуқаро ўзининг динга, диний эътиқодга ёки ундан воз кечишга, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда динни ўрганишда қатнашиш ёки қатнашмасликда ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни бирор-бир даражада мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш эркинлиги ёки ўзга эътиқодлар жамоат хавфсизлигини ва тартибни, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва ахлоқини, шунингдек, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган даражадагина чекланади.

4-модда. **Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги**

Ўзбекистон ССЖ фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилиши мумкин эмас, фуқаронинг ўзи шуни истаган ҳол бундан мустаснодир. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини бевосита ва билвосита чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита бирон-бир имтиёзлар белгилаш, хусусан душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди муносабати билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш, шунингдек, муқаддас қадамжо ҳисобланган диний иншоотларни оёқ ости қилиш қонун билан жазоланади.

Ҳеч ким ўз диний эътиқодига кўра, қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаши мумкин эмас. ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина эътиқод туфайли бир вазифани бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади.

5-модда. **Динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши**

Ўзбекистон ССЖда динлар ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилгандир. Бир дин ёки диний эътиқод учун иккинчи бир дин ёки эътиқодга нисбатан бирон-бир даражада имтиёз ёки чеклаш белгилашга йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг қандайдир вазифаларини бажаришни юкламайди, диний ташкилотларнинг қонунларга зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийликни тарғиб қилишга оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди.

Илмий тадқиқотлар олиб боришни, жумладан, давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган илмий тадқиқотларни олиб боришни, уларнинг натижаларини тарғиб қилишни ёхуд уларни умумий таълим дастурларига киритишни, улар бирон-бир дин ёки даҳрийлик қоидаларига мос келиши ёки мос келмаслик белгисига кўра чеклашга йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар ижтимоий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотларнинг ходимлари барча фуқаролар билан баб-баравар сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайдилар ва сиёсий партияларга молиявий мадад кўрсатмайдилар.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун талабларига ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этишга мажбурдирлар. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, нифоқ, нафрат қўзғатиш, миллатлараро адоват уйғотиш ҳамда давлат манфаатларига ва Ўзбекистон ССЖ Конституциясига қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш, қонуний равишда ва демократик йўл билан тузилган ҳокимият ва бошқарув идораларига ҳамда давлат вакилларига нисбатан ғайриқонуний усуллар билан тазйиқ ўтказиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди. Қонуний равишда ишлаб турган ҳокимият ва бошқарув идораларига ва мансабдор шахсларга демократияни баҳона қилиб тазйиқ ўтказишга ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланади.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўртасида, турли эътиқоддаги диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний мутаассиблик ва виждон эркинлигига хилоф экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли оқимлар ва мазҳаблар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Мазкур тартибларни бузганлар қонунга биноан жавобгарликка тортилади.

6-модда. **Мактабни диндан ва диний ташкилотлардан ажратиш**

Ўзбекистон ССЖда давлат таълим системаси диндан ва диний ташкилотлардан ажратилгандир. Ўзбекистон ССЖ фуқароларининг динга муносабатидан қатъи назар, улар таълимнинг барча турлари ва даражаларидан баҳраманд бўла оладилар. Давлат ўқув юртларида диний таълим берилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролар ўзлари истаган тилда диний таълим олишлари мумкин.

Белгиланган тартибда рўйхатга олинган низомлари бўлган диний ташкилотлар ўз низомларига мувофиқ катта ёшдаги кишиларга ва болаларга диний таълим бериш учун ўқув юртлари ёки гуруҳлар ташкил этиш, шунингдек, таълимни бошқа шаклларда олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар, бунинг учун ўзларига қарашли ёки ўзларига фойдаланиш учун бериб қўйилган бинолардан фойдаланишлари мумкин.

Болаларни фақат мактаб ёшига етганда мактабдаги машғулотлардан бўш вақтда ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билан, балоғат ёшига етганларни эса ўз хоҳишларига кўра ташкилий равишда диний таълимотга ўргатишга йўл қўйилади.

Диний таълимотдан сабоқ берувчи шахслар махсус диний маълумотга эга бўлишлари ва ўз фаолиятларини диний бошқарманинг, марказнинг ижозати билан амалга оширишлари шарт. Хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ беришга йўл қўйилмайди.

Ушбу тартибларнинг бузилиши қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишига олиб келади.

II БОБ. УЗБЕКИСТОН ССЖДА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

7-модда. **Диний ташкилотлар**

Диний жамоалар, бошқармалар ва марказлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар Ўзбекистон ССЖдаги диний ташкилотлардир. Диний ташкилотлар ўз бошқарма ва марказлари орқали иш кўрадилар.

Ўзбекистон ССЖда диний ташкилотлар, жамоалар фуқароларнинг эътиқод қилиш ва маслакни тарғиб этишдан иборат диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида тузилади ва ўз таркибига мувофиқ иш юритади, ўз Низомига кўра ўз ходимларини сайлайди, тайинлайди ва алмаштиради.

Ўзбекистон ССЖда диний руҳдаги бирон-бир партия, жумҳуриятдан ташқарида ташкил этиладиган диний партияларнинг шўъбалари, бўлимлари, бўлинмалари тузилишига ва иш юритишига, шунингдек, миссионерлик фаолиятига йўл қўйилмайди.

8-модда. **Диний жамоа**

Диний жамоа биргаликда динга эътиқод қилиш ва бошқа диний эҳтиёжларни қондириш мақсадида фуқаролар томонидан тузилади ҳамда ихтиёрийлик асосида иш юритади.

Жамоани тузган фуқаролар жамоа тузилганлиги тўғрисида диний марказни ва диний ташкилотларнинг Низомини рўйхатга оладиган давлат идораларини воқиф қилиб қўядилар.

9-модда. **Диний бошқармалар, марказлар ва бирлашмалар**

Диний бошқармалар ва марказлар амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳамда Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинадиган ўз низомлари асосида иш юритадилар. Давлатнинг диний бошқармалар, марказлар ва бирлашмалар билан муносабатлари қонун билан тартибга солинади. Қонун воситасида тартибга солинмаган муносабатлар диний бошқармалар, марказлар ва жамоалар билан давлат идоралари ўртасидаги келишувга мувофиқ ҳал этилади.

10-модда. **Диний ўқув юртлари**

Диний бошқармалар ва марказлар ўзларининг рўйхатга олинган низомларига мувофиқ руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ихтисослар бўйича бошқа ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари очиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ўқув юртлари Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Кундузги олий ва ўрта диний ўқув юртларида таҳсил кўраётган фуқаролар ҳарбий хизматни ўташни кечиктириш, солиқ тўлаш, таълим олиш даврини меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш юзасидан давлат ўқув юртларининг талабалари учун белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

11-модда. **Диний ташкилотларнинг низомлари**

Диний ташкилотнинг Низоми фуқаролик қонунларига мувофиқ равишда унинг ҳуқуқ лаёқатини белгилаб беради ва у қонунларда белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Низомда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

— диний ташкилот номи, тури, қаерда жойлашганлиги, фаолият кўрсатаётган ҳудуд, унинг қайси эътиқодга мансублиги;

— ушбу диний ташкилотни тузиш тартиби, тузилиши ва бошқаруви тўғрисида;

— ташкилотнинг мулкий аҳволи, маблағларини ҳосил қиладиган манбалар, ҳам ўз ичидаги, ҳам Низомида ўзаро алоқалар боғлаш назарда тутилган бошқа ташкилотлар билан мулкий муносабатлари тўғрисида;

— Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисида;

— корхоналар ва оммавий ахборот воситалари таъсис этиш, ўқув юртлари очиш ҳуқуқлари тўғрисида;

— диний ташкилотни тугатиш тартиби тўғрисида.

Масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар, диний ўқув юртларининг низомлари диний бошқарма, марказ билан келишиб олиниши керак.

Ўзбекистон ССЖдаги диний ташкилотлар, Ўзбекистон ССЖ ҳудудидан ва ҳуқуқ доирасидан ташқаридаги диний ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ иш кўрадилар.

12-модда. **Диний ташкилотлар — юридик шахслардир**

Диний ташкилотларнинг Низоми рўйхатга олиниши биланоқ улар юридик шахс деб тан олинади.

Диний ташкилотлар юридик шахс сифатида қонунларга ва ўз низомларига мувофиқ ҳолда ҳуқуқлардан фойдаланадилар ҳамда мажбуриятлар ўтайдилар.

13-модда. **Диний ташкилотларнинг низомларини рўйхатга олиш**

Диний ташкилот юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиши учун уни тузган, камида ўн кишидан иборат 18 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигининг шу диний ташкилот фаолият кўрсатиши назарда тутилган вилоятдаги ёки Тошкент шаҳридаги идорасига ёхуд Қорақалпоғистон МССЖ Адлия вазирлигига Низомни илова қилиб ариза топширадилар. Агар диний ташкилот муайян диний бирлашмага мансуб бўлса, бу ҳол Низомда кўрсатилади ҳамда тегишли диний бошқарма ёки марказ томонидан тасдиқланади.

Диний ташкилотларнинг низомлари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонунга ва Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Шунга мувофиқ, диний ташкилотларнинг низомларини рўйхатга олиш чоғида улардан бошқа ҳужжатлар ҳам талаб қилиб олиниши мумкин.

Ўзбекистон ССЖ ҳудудидан ташқарида жойлашган диний ташкилотлар жумҳуриятда рўйхатга олинмайди.

Адлия идоралари аризани бир ой ичида кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Диний марказ ва бошқарманинг тасдиғи бўлмаган тақдирда адлия идоралари қўшимча материаллар талаб қилишга ва мутахассисларнинг хулосасини олишга ҳақлидир. Бу ҳолда қарор уч ой муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон ССЖ доирасида жойлашган ва ишлаб турган диний ўқув юртларининг низомлари Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Диний ташкилотнинг Низомига кейинчалик киритилган қўшимча ва ўзгаришлар низомлар ўзлари рўйхатга олинган тартибда қайта рўйхатга олинади.

Диний ташкилотларнинг Низоми рўйхатга олинганлиги учун Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ва миқдорда рўйхат ҳақи ундирилади.

Диний ташкилот фаолияти унинг низомларига мувофиқлигини назорат қилиш бу низомларни рўйхатга олган ташкилот томонидан амалга оширилади.

14-модда. **Диний ташкилот низомини рўйхатга олишни рад этиш**

Диний ташкилот Низомининг қоидалари ушбу Қонун талабларига ёки Ўзбекистон ССЖнинг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилади.

Диний ташкилот низомини рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги қарор аризачиларга рад этиш асослари кўрсатилиб, ёзма равишда юборилади. Бу қарор устидан ёки ушбу Қонунда белгилаб қўйилган қарорни қабул қилиш муддати ўтказиб юборилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин, бунда давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш учун белгилаб қўйилган тартибга амал қилинади.

15-модда. **Диний ташкилотларнинг фаолиятини тўхтатиш**

Диний ташкилотларнинг фаолияти фақат ўз низомларига мувофиқ ёки улар ушбу Қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон ССЖ бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузган тақдирда тўхтатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор унинг Низомини рўйхатга олган идора томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан Ўзбекистон ССЖнинг фуқаролик процессуал қонунларига биноан судга шикоят қилиниши мумкин.

III БОБ. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУЛКИЙ ҲОЛАТИ

16-модда. **Диний ташкилотларнинг мулки**

Диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, дин анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағлари, фуқаролар, жамоат ташкилотлари эҳсон қилган, фуқаролар васият қилиб қолдирган маблағлар ҳисобига сотиб олинган ёки барпо этилган ёхуд давлат томонидан топширилган, шунингдек, қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга кўра сотиб олинган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотларнинг чет элларда ҳам мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар баҳоли қудрат моддий ва ўзга хайр-эҳсон қилинишини сўраб, ўз хайриҳоҳларига мурожаат қилишга ва уларни олишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотларнинг молиявий ва мулкий хайр-эҳсонларига солиқ солинмайди.

Диний ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқларини қонун муҳофаза қилади.

17-модда. **Давлат, жамоат ташкилотлари ёхуд фуқаролар мулки бўлган мол-мулклардан фойдаланиш**

Диний ташкилотлар давлат, жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар томонидан шартнома асосида ўз ихтиёрларига бериладиган бинолар ва мол-мулклардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақлидирлар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва давлат идоралари давлат мулки ҳисобланган ва ижтимоий-маданий мақсадларда фойдаланилмайдиган дин билан боғлиқ биноларни ва бошқа мол-мулкларни диний ташкилотларга мулк қилиб ёки ҳақ тўламай текин фойдаланиш учун беришлари мумкин.

Диний ташкилотлар аслан диний мақсадларда қурилган яроқли иморатларни ери билан ўз ихтиёрларига олишда мустасно ҳуқуққа эгадирлар.

Дин билан боғлиқ бўлган биноларни ва мол-мулкларни диний ташкилотларга ўтказиш масаласига доир қарорлар тегишли илтимоснома олинган пайтдан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирмай қабул қилиниши ва айни пайтда бу ҳақда аризачиларга ёзма равишда хабар берилиши керак.

Тарих ва маданият ёдгорликлари бўлмиш иморатлар ва буюмларни диний ташкилотларга ўтказиш ва бу ташкилотларнинг улардан фойдаланиши қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ерга эгалик қиладилар ва ундан фойдаланадилар. Диний бинолар қуриш халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижозати билан амалга оширилади.

18-модда. **Диний ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти**

Диний ташкилотлар Ўзбекистон ССЖ қонунларига ва ўз низомларига мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлган ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятидан олган фойдаларидан ва бошқа даромадларидан Ўзбекистон ССЖ қонунларига мувофиқ ҳамда жамоат ташкилотларининг корхоналари учун белгиланган тартибда ва миқдорда солиқ ундирилади.

Диний ташкилотлар корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган ва хайрия мақсадларига сарфланадиган даромадлардан олинадиган солиқ миқдорини имтиёзли тарзда белгилаш ҳуқуқига Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси эгадир.

19-модда. **Ўз фаолиятини тўхтатган диний ташкилотларнинг мулкини тасарруф этиш**

Диний ташкилотларнинг фаолияти тўхтатилгандан кейин давлат ва жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар томонидан шу ташкилотга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк олдинги эгасига қайтарилади.

Диний ташкилотнинг фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг ихтиёридаги мол-мулк шу ташкилот Низомига ва амалдаги қонунларга мувофиқ тасарруф этилади.

Қарз берувчиларнинг даъволарига кўра, қарзни ундириб олиш диний ташкилотларнинг дин билан боғлиқ мол-мулкларига қаратилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий ворис бўлмаган тақдирда мол-мулк давлат ихтиёрига ўтади.

IV БОБ. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚЛАРИ

20-модда. **Диний урф-одатлар ва маросимлар**

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний йиғилишлар ўтказиш учун қулай бўлган жойларга, шунингдек, у ёки бу дин қадрлайдиган жойларга (зиёратгоҳларга) асос солиш ва уларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадирлар.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар ибодатхоналарда ва уларга тегишли майдонда, зиёратгоҳларда, диний ташкилотларнинг муассасаларида, қабристонларда, фуқароларнинг уйлари ва ҳовлиларида ҳеч қандай тўсқинликсиз ўтказилади.

Ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги ҳарбий хизматчилар бўш вақтларида ибодатда ва диний расм-русумларни бажаришда иштирок этишларига тўсқинлик қилмайди.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш тўғрисидаги таклифлар билан касалхоналардаги, ҳарбий шифохоналардаги, кексалар ва ногиронлар уйларидаги, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги фуқароларга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Касалхоналарда, ҳарбий шифохона, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ жойларида ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар у ерлардаги фуқароларнинг илтимосига мувофиқ ўтказилади. Мазкур муассасаларнинг маъмурияти руҳонийларни таклиф этишга кўмаклашади, ибодат қилиш, расм-русумлар ёки маросимларни ўтказиш вақтини ва бошқа шарт-шароитларни аниқлашда иштирок этади.

Ўзга ҳолларда оммавий ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон ССЖда йиғилишлар, митинглар, намойишлар ва кўча юришларини ўтказиш учун белгиланган қатъий тартибда амалга оширилади.

21-модда. **Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар**

Фуқаролар ва диний ташкилотлар ўзи танлаган тилда диний адабиётни, шунингдек, диний мақсадларга мўлжалланган бошқа буюмлар ва ашёларни харид қилишга ва улардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Диний марказлар ва бошқармалар диний адабиётларни нашр этиш ва тарқатиш ҳуқуқларидан Ўзбекистон ССЖ оммавий ахборот воситалари ҳақидаги Қонунга мувофиқ равишда фойдаланадилар. Илмий муассасалар дин ва ибодатга оид илмий тадқиқотларини нашр этишлари мумкин. Диний мақсадларга мўлжалланган буюмларни ишлаб чиқариш ҳуқуқига фақат диний бошқармалар ва марказлар эгадир.

Диний ташкилотлар диний мақсадларга мўлжалланган буюмларни, диний адабиётни ва диний мазмундаги бошқа маълумотномаларни Ўзбекистон ССЖнинг амалдаги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқаришга, чет элларга чиқаришга, чет элдан келтиришга ва тарқатишга ҳақлидирлар.

22-модда. **Диний ташкилотларнинг хайрия ва маданий-маърифий фаолияти**

Хайр-эҳсон қилиш, диний адабиётларни ўрганиш ва ўзга маданий-маърифий фаолият юритиш мақсадида диний ташкилотлар ҳузурида жамиятлар, уюшмалар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари тузилиши мумкин. Улар Ўзбекистон ССЖнинг маҳаллий адлия идораларида рўйхатга олинадиган ўз уставларига эга бўладилар.

Диний ташкилотлар ўзлари мустақил равишда, шунингдек, ижтимоий жамғармалар орқали хайрия фаолиятини амалга ошириш ва меҳр-мурувват кўрсатишга ҳақлидирлар.

Ана шу мақсадлар учун қилинган хайр-эҳсонлар ва ажратмалар солиқ солинадиган пул миқдоридан чиқариб юборилади.

23-модда. **Диндорлар ва диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари ва мулоқотлари**

Диндорлар ва диний ташкилотлар гуруҳ бўлиб ёки якка тартибда халқаро алоқалар ўрнатишга ва бевосита шахсий мулоқотда бўлишга ҳамда бундай алоқаларни давом эттиришга, жумладан, муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун, йиғилишларда ва бошқа диний тадбирларда иштирок этиш учун чет элга боришга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлари ва шу мақсадда ажнабий фуқароларни қабул қилишлари мумкин. Ўзбекистон ССЖ ҳудудида ўтказиладиган халқаро анжуманлар Ўзбекистон ССЖ қонунлари белгилаган тартибга риоя қилади.

V БОБ. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАЛАРИДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

24-модда. **Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар.**

Диний ташкилот фуқароларни ишга қабул қилишга ҳақлидир.

Меҳнат шартлари диний ташкилот билан ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади ва ёзма шаклда тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилади.

Диний ташкилот меҳнат шартномасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

Руҳонийларга ҳақ тўлаш шартларини белгилайдиган ҳужжатлар ҳам худди шундай тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Диний ташкилотда меҳнат шартномасига мувофиқ ишлаётган фуқаролар касаба уюшмасининг аъзолари бўлишлари мумкин.

25-модда. **Диний ташкилотларда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари**

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчилари ҳамда хизматчиларига нисбатан қай даражада қўлланилса, диний ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқароларга нисбатан ҳам худди шу даражада қўлланилади.

Фуқаролар, шу жумладан, руҳонийлар диний ташкилотларда ишлаб оладиган даромадларига давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчилари учун белгиланган мезонлар бўйича солиқ солинади.

26-модда. **Диний ташкилотлар корхоналари ва муассасаларида фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлари**

Диний ташкилотларнинг корхоналарида, муассасаларида, шунингдек, улар тузган хайрия муассасаларида ишлаётган фуқароларга давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ишчи ва хизматчиларининг меҳнатларига солиқ солиш тартиби, ижтимоий суғуртаси ва ижтимоий таъминоти тўғрисидаги қонунлар қўлланилади.

27-модда. **Диний ташкилотларда ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғуртаси**

Диний ташкилотларда ишлаётган фуқаролар, шу жумладан, руҳонийлар давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчилари ҳамда хизматчилари билан баробар ижтимоий таъминланишлари ва ижтимоий суғурта қилинишлари керак.

Ана у мақсадларда диний ташкилотлар, уларнинг корхоналари ва муассасалари ижтимоий суғурта жамғармасига ва Ўзбекистон ССЖ нафақа жамғармасига, жамоат ташкилотлари, уларнинг корхоналари ва муассасалари учун белгиланган тартибда ва миқдорда ажратма ўтказадилар.

Диний ташкилотларда ишлаётган[illegible] фуқароларга қонунга мувофиқ умумий асосларда давлат нафақаси тайинланади ва тўланади.

VI БОБ. ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

28-модда. **Ўзбекистон ССЖда дин масалалари бўйича давлат идоралари**

Ўзбекистон ССЖда динлар ва диний ташкилотларга оид масалалар билан Ўзбекистон ССЖ Президенти аппарати таркибидаги, Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти Вазирлар Кенгашидаги ва халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Советлари ижроия қўмиталаридаги тегишли бўлинмалар шуғулланади. Улар зиммасига маслаҳат бериш, мутахассислар хулосасини чиқариш, назорат қилиш ва ахборот бериб туриш вазифалари юкланади.

Шундай бўлинмалар сифатида улар:

бошқа жумҳуриятлардаги ва чет эллардаги худди шундай муассасалар билан мулоқот қилиб туради ва мувофиқлаштирув алоқаларини боғлайди;

Ўзбекистон ССЖдаги диний ташкилотлар тўғрисида маълумотлар тўплайди ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларнинг ижроси юзасидан назоратни амалга оширади;

диний ташкилотларнинг илтимосига мувофиқ давлат идоралари билан келишувга эришишда кўмаклашади ва давлат идоралари ҳал этишини талаб қилувчи масалалар юзасидан зарур ёрдам беради;

жумҳурият, мамлакат ичидаги ва чет эллардаги турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ҳамжиҳатлик хайриҳоҳликни мустаҳкамлашга кўмаклашади;

Ўзбекистон ССЖ Президентининг, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгашининг, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталарининг қарори билан диншунослик бўйича экспертизани ўтказиш учун дин масалалари билан шуғулланувчи бўлинмалар ҳузурида диншунослар, диний ташкилотлар вакиллари ва инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича мутахассисларнинг жамоатчилик кенгашларини тузади, [illegible] ҳолларда давлат бошқаруви ва суд идораларининг [illegible] бўйича расмий экспертиза хулосасини беради.

29-модда. **Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар Ўзбекистон ССЖ қонунларида белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўладилар.

30-модда. **Халқаро шартномалар**

Башарти ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ иштирок этаётган халқаро шартномада Ўзбекистон ССЖнинг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларидан фарқ қиладиган қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, республикада рўйхатдан ўтган ва ишлаб турган диний ташкилотларнинг уставлари (низомлари) улар ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олишлари учун 1992 йил 1 январгача қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиниши керак. Илгари рўйхатдан ўтмаган, янги тузилаётган, ўзларининг динга мансубликларини ўзгартираётган диний ташкилотлар ўз уставлари (низомлари)ни қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ҳамда ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлиш учун 1992 йил 1 январдан эътиборан тақдим этадилар.

3. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу йил охиригача:

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига Ўзбекистон ССР Қонунларини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида, шунингдек, уни бузганлик учун жавобгарлик белгилаш тўғрисида таклифлар киритсин;

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни талабларини бажаришни таъминлаш учун зарур чоралар кўрсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раиси ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

ЖОНЛИ СЎЗ, КУЧЛИ ТАЛАБ ЯЛОВ БЎЛСИН

Вилоят совети сессиясидан кейинги ўйлар

— «Халқ сўзи» рўзномасининг шу йил 15 май сонида бешинчи сессиямизнинг ўтиши ҳақида «Сўз олмоқ — гапдонлик мусобақаси эмас» сарлавҳали таҳлилий мақола босилганди. Унда депутатларимизнинг кун тартибидаги масалалар муҳокамасида мўлжални аниқ ололмаганликларига жиддий эътироз билдирилганди. Бинобарин, рўзноманинг бу чиқишини фойдали сабоқ деб қабул қилайлик. Шу боис сизларга яна бир бор эслатиб ўтамиз: аравани қуруқ олиб қочишга барҳам берайлик. Кун тартибидаги масалалар баёни, одатдагидек, вилоят рўзномалари орқали олдиндан ...жмингизга ҳавола этилган. ...рор лойиҳалари қўлларингизда. Демак, баҳсу мунозарадан мақсад таҳлил ва таклиф орқали конкрет вазифалар белгилашдир...

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят совети раиси Пўлат Мажидович Абдураҳмонов муҳокамани бошлашдан аввал юқоридаги гапни дона-дона қилиб айтди. Биз бу галги сессиянинг анча жиддият, жонли сўз, аниқроқ таклифу талаблар ўзани бўйлаб ўтиши айнан рўзномамиз чиқишининг таъсири десак, нокамтарлик бўлар. Лекин бор гап шуки, сессия «Халқ депутатлари вилоят совети раёсатининг бир йиллик фаолияти ҳақида»ги ҳисоботи ҳамда «Табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экологик вазиятни тубдан яхшилаш юзасидан маҳаллий советларнинг вазифалари тўғрисида»ги масалалар муҳокамасини ҳар қалай ўрнига қўя олди.

Биз буни биринчи навбатда сессия ишини ташкил этишдаги янгича услубга йўйсак анча тўғри бўлар. Гап бундай. Депутатлар жамлангач, сессия ўз ишини тўртта телевизор орқали бошлади. Салкам бир соат давомида зал аҳли бу ёғи Нуротадан Ургутгача, Булунғурдан Советободгача «йўл юриб», она табиатга муносабатимизнинг аҳволига назар ташлади. «Узбекзолото»нинг «Қизилқум» артели жаҳон бозори савдосида пешқадамлик қилган қоракўл тери тайёрлаш макони — Нурота ва Қўшработ яйловларининг кулини кўкка совураётганини тўпланганлар ўз кўзлари билан кўрдилар. Уран олиш нафси Советобод яйловларини ямламай ютиб, уни тирик жонзот учун жаллодга айлантираётгани уйғоқ фикрли вужудларни титроққа солди.

Ушбу ҳужжатли фильм гарчи ҳаваскорлик йўсинида суратга олинган бўлса-да, вилоятда келажак авлод олдидаги қарз — она-табиатни уларга эсон-омон ҳадя этиш бурчи мутлақо унутилаётганидан бонг урди. Атроф муҳитини инсофсизларча хор қилиш, миллату ватан тақдири пайини қирқиш малака-маҳоратини устамонларча ўзлаштириб олганлигимизни «намойиш» этди.

Менимча, мана шу қисқа вақт депутатларнинг сўз олмоқ масъулиятини чандон оширди. Ҳали айтганимиздек, ҳар иккала масала ҳам ўткир бўлса-да, кейингисининг таҳлили оғир тош босди. Бинобарин, аввало биринчиси хусусида: вилоят совети раёсати янги бошқарув идораси сифатида анча таъсирчан роль ўйнагани бироз сезилиб турди. Чунончи, кадрлар танлови, бюджетни шакллантириш ва сарфу харажатига эгалик қилиш, ер масалалари, қатор сиёсий, иқтисодий-ижтимоий вазифаларни ҳал этишда маҳаллий советларнинг ваколат доиралари кенгайди, ҳуқуқлари кучайди. Улар фаолиятини такомиллаштириш йўлига ўтилди. Вилоят советининг айрим доимий комиссиялари бошқарувда иштирок этишди.

Ургут районидаги халқ депутатлари Қуйиқишлоқ қишлоқ совети ижроия комитетининг раисаси У. Қодирова, вилоят советининг ошкоралик доимий комиссияси раиси Т. Қурбоновлар эса бу масалага танқидий ёндашдилар. Бинобарин, раёсат фаолиятидаги энг қабариқ кемтик қабул қилинган қарорлар ижросига нисбатан қатъиятсизликнинг давом этаётганидир. Ҳар иккала нотиқ масалан, раёсатнинг «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунининг бажарилиши ҳақидаги қарори расмиятчилик гирдобида қолиб келаётганини айтишди. У. Қодирова раёсатдан, вилоят партия комитетидан қуйига юборилаётган қарор ва бошқа ҳужжатлар ҳанузгача рус тилида эканлигига қаттиқ эътироз билдирди. Т. Қурбонов эса Самарқандда гўё вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари басма-басига ишлашаётир, баъзан бир-бирига зид қарору фармойишлар чиқмоқда, дея куюнди.

«Ҳокимият — Советларга!» шиори қанчалик бақириб айтилмасин, барибир бу йўлда дадил қадамлар сезилмаётир. Биргина мисол: қуйига, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш юзасидан қарорлар қабул қилинг, тарзида юқоридан топшириқлар учади. Дурустгина тўхтамларга келинади. Лекин улар моддий ресурслар ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамланмаганлиги сабабли бажарилмайди. Бу ёғи энди советларга ишончсизлик пайдо бўлади.

Раёсатнинг ҳисоботи юзасидан рўзномаларда берилган маърузада қилинган ишлар оширилмасдан айтилди. Бир йил давомида Ўзбекистон ССР Президенти фармонларининг ижро этилиши масалаларига бот-бот қайтилгани яхши самаралар берди. Булар яхши. Бироқ асосий ишчи органлари бўлмиш доимий комиссиялар фаолиятига келганда, ҳисоботда кўнгилчанлик билан сўз юритилгани очиқ-ойдин сезилиб қолди. Доимий комиссиялар тегишли советларнинг бошқарув мактабидир. Демак, уларнинг иши ўша совет фаолиятининг даражасини белгилайди. Бу масалада шуни айтиш кераки, 14 доимий комиссиянинг аксарияти азбаройи ҳисоб бериш зарурати туфайлигина уриниш оҳангида иш олиб бораётир. Комиссия мажлисларига улар аъзоларининг қатнашувини таъминлаш жуда қийин кечади. Айтиш мумкинки, масалани тайёрлашдан бошлаб, ҳужжатларни тахтлаб, қарорлар лойиҳаларини қозирлашгача ишнинг асосий қисми вилоят совети аппарати ходимлари зиммасига тушади. Хуллас, совет фаолиятига баҳо беришда ана шундай долзарб масалалар четлаб ўтилгани афсусланарлидир.

Бироқ кун тартибидаги иккинчи масала чинакамига фикрлар жанги, таклифу талаблар баҳсига сабаб бўлди. Самарқанд химия заводи ишига муносабат энг ўткир муаммо сифатида қалқиб чиқди. Бу бежиз эмас. Вилоятда атроф муҳитини ифлослантираётган заҳарли моддаларнинг 40 фоизи ана шу корхона ҳиссасига тўғри келмоқда. Заводнинг илгариги раҳбарлари (В. Коряков) фақат ва фақат режа отига қамчи босишганди. Тўғри, ҳозирги директор О. Қиличев масалага инсоф юзасидан ёндашиб иш тутаётир. Бир йилдаёқ атрофга чиқарилаётган заҳарли чиқитлар 810 тоннага камайтирилди. Бироқ 1990 йилда ҳавога 4.583 тонна заҳри қотил тарқалгани барибир аҳволнинг фожиали эканлигидан далолат бериб, халқнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлиб турибди.

Паст Дарғом районидаги Арабхона қишлоқ совети депутати Шомирза Шоназаровнинг Қўчқор Тўраев номли жамоа хўжалигида яшовчи ўн етти минг аҳоли номидан алам билан сўзга чиқиши бунинг жонли гувоҳидир. Бинобарин, нотиқнинг мана бу сўзларини бефарқ тинглаш мумкин эмасди: заводнинг инсон аъзои баданига кучли таъсир қиладиган аэрозол, олтингугурт ангидриди, аммиак, фторли водород, фосфат каби маҳсулотлари, уларнинг чанглари ҳаётимизга чанг солмоқда. Сульфат кислотасининг оқовалари қудуқларимиздан қайнаб чиқмоқда. Экин-тикинларимиз қақшаб ўсади. Болаларимиз дунёга шўришли азоб билан келишмоқда. Сариқ, жигар қуриши, асаб ва нафас бўғиш дардлари уларни маҳкам чангаллаб олмоқда.

Далил: кимё заводи шарофати билан уч ёшгача бўлган болаларда касалланиш 37 дан 52 баробаргача, нафас олиш йўллари оғриши эса болаларда 75,5 баробаргача ортиқдир.

Ўзбекистон ССР халқ депутати П. С. Афанасьев бошчилигидаги республика Олий Кенгаши комиссияси аҳволимизни ўрганиб, вилоят ташкилотларига, табиатни муҳофаза қилиш комитетига аниқ вазифалар бериб, уларнинг бажарилиш муддатларини белгилаганди. «Бироқ ҳаммаси ҳавога учди. Дард устига чипқон дегандай, ҳудудимизда вилоят нефть базаси қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ҳолбуки, бу қурилишни тўхтатиш, маблағ билан таъминламасликка келишиб олинганди.

Ўтган йили элимиз, тоза ҳаводан нафас олишга имкон беринг ахир, дея қатъий талаб билан чиқишганда, маъмурий идоралар халқимизга қарши қўйилди. Буни қандай тушуниш керак? Талабимиз қатъий: экологик фожиа ўчоғи бўлмиш кимё заводини мутлақо зарарсиз ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш керак.

Депутат Т. Қурбонов бу фикрга тўлдириш киритди: кимё заводининг заҳарли моддалар чиқариш нормаси ҳақида гапирилди. Ахир халқни заҳарлаб ўлдиришнинг ҳам нормаси борми? Ушбу масала юзасидан қабул қилинажак қарорда кимё заводини ёпишнинг аниқ муддати белгиланиши шарт.

Мана шу талаб масала муҳокамасининг ўқ томири бўлди. Завод директори О. Қиличевнинг «Европа мамлакатларидан биридаги фирма билан заводимиз басасида гилам тўқиш, хитойликлар билан эса кийим-кечак тайёрлаш корхоналари очиш бўйича музокаралар олиб бораяпмиз», деган гапи талабни рўёбга чиқаришга умид боғласа бўладиган хулоса берди. Мажлис аҳли «корхонани ўзгартириш»га қаттиқ ёпишди. Бу муддат устида аниқ ҳукм чиқарилмаса-да, лекин 3—4 йилдан нарига ўтказмаслик қарори устун келгани маъқул бўлди.

Вилоятдаги экологик вазиятни жар ёқасига судрашда СССР Рангли металлургия вазирлиги ихтиёридаги Жанубий (Советобод), Лангар (Хатирчи), Ингичка (Каттақўрғон), Зармитан (Қўшработ) олтин кон бошқармалари «пешқадам»лик қилишмоқда. Аниқ маълумотларга қараганда, Советобод яйловлари бағрига кислота тиқиб, уран олиняпти. Бағри тилка-пора бўлаётган она заминимиз юрагидан оқаётган зардоб сувга қўшилиб, кишилар вужудини заҳил этмоқда. Радиоактивлик ўсимлик дунёсини чорва моллари учун заҳарли емишга айлантирмоқда. Ёки Зармитандаги кунора портлатишлар аҳолини ўз уйида яшашдан юраксада қилаётир. Очиқ усулда олтин қазиш туфайли атроф чиқит уюмларидан тўлиб кетган. Яйловлар қисқариб, заминдан файз кўтарилмоқда. Умуман, емаган сомсага пул тўлаш усулидаги азоб оғриғи кучли давом этмоқда. Депутатлар эса бу масалаларда фақат армон билдиришдан нарига ўтишмади.

Сессия атроф муҳитини расвои раддибало этишда бир неча корхоналар, жумладан «Гелион», кўн заводлари, мебель фабрикаси, «Серп и Молот» консерва комбинати, гўшт комбинатлари, айрим чўчқахоналар ишига қаттиқ норозилик билдирди. Вилоятда тозалаш иншоотлари қуриш ҳеч бир корхона раҳбарининг асосий ишига айланмаётгани жиддий тарзда айтилди. Зарафшон дарёсининг ҳар иккала соҳилида 200 метрдан кенгликда ўрмонзор ташкил этиш мақсадига Оқдарё, Пахтачи, Жомбой, Иштихон, Паст Дарғом районлари раҳбарлари бефарқ қараётганликлари таъкидланди.

— Йил охирида, — деди П. М. Абдураҳмонов, — сессиямиз бошламасидаги ҳужжатли фильмга яна бир бор қайтамиз. Унда ошкор қилинган камчиликларни бартараф этиш бўйича вилоят, шаҳар ва районларнинг тегишли раҳбарларидан ҳисоб сўраймиз.

Бу якун «гапни гапир уққанга» тарзида айтилса-да, лекин кўпларни ҳушёр торттиргани аниқ сезилиб турди. Демоқ мумкинки, бутун сессия давомидаги юзхотирсиз, сийпалашсиз ўтган мақсадли чиқишлар таъсирчан ва жонли сўз, кучли талаблар ҳар доим ялов бўлмоғи лозимлигидан сабоқ берди.

Холмуҳаммад НУР,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

ТАМАРАХОНИМ

Кўп миллатли совет санъати оғир жудоликка учради. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, ўзбек санъатининг шуҳратини бутун дунёга таратган Тамарахонимнинг юраги 86 ёшда уришдан тўхтади.

Тамара Артёмовна Петросянц — Тамарахоним 1906 йилда Фарғонада, ишчи оиласида таваллуд топди. У ўзбек совет театр санъати, қўшиқлари ва рақслари шаклланишининг бошида турган кишиларнинг биридир. Чуқур халқчиллик, оддийлик ва реаллик, гўзаллик ва туйғулар жўшқинлиги Тамарахоним санъатини томошабинлар кенг доираси учун жуда тушунарли қилган эди. Унинг концерт фаолияти халқлар дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилди.

Истеъдоди ва санъатга бўлган мислсиз муҳаббати туфайли Тамарахоним 13 ёшида саҳнага чиқди. У ишчилар ҳузурида ўзининг дастлабки концертларини берди. Балет мактабини тугатгач, 1922 йилда ўзбек артистлари гуруҳи таркибида биринчи марта гастролларга чиқади. Ўзбекистонлик ёш рақкосанинг номи тез орада бутун мамлакатга кенг тарқалади.

Тамарахоним 1925 йилда совет артистлари делегацияси таркибида Парижда ўтказилган жаҳон амалий санъати кўргазмасида, 1935 йилда Лондонда бўлган халқаро рақс фестивалида ўз санъатини катта муваффақият билан намойиш этди.

У 1937 йилда Москва шаҳрида ўтказилган биринчи ўзбек адабиёти ва санъати декадасида фаол қатнашди.

Ўзбекистон балет санъатининг туғилиши, балет мактабининг ташкил этилиши ва биринчи ўзбек балети — «Гуландом»нинг саҳналаштирилиши Тамарахоним номи билан боғлиқдир. Санъаткор «Гуландом» балетида бош ролни ижро этган, сценарий муаллифи бўлган ва уни саҳналаштирган эди.

Ўзбекистон кўп миллатли санъатини тарғиб этишда Тамарахонимнинг хизматлари каттадир. У ўзининг бутун умри мобайнида фаол концерт фаолияти билан шуғулланди, қувончли кунларда ҳам, оғир даврларда ҳам Тамарахоним ҳамма вақт ўз халқи билан бирга бўлди. У Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек артистлари концерт бригадаси билан биргаликда жангчилар ўртасида ўз санъати ва маҳоратини намойиш этди ҳамда 1500 тадан кўпроқ концерт берди.

Совет ҳукумати Тамарахонимнинг хизматларини юқори баҳолади. У СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган, Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, медаллар билан мукофотланган, бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутати этиб сайланган эди.

Атоқли артист, коммунист, ажойиб қалб ва саҳий истеъдод эгаси Тамара Артёмовна Петросянц — Тамарахонимнинг ёрқин сиймоси халқ хотирасида ҳамма вақт сақланиб қолади.

И. Каримов, Ш. Йўлдошев, Ш. Мирсаидов, А. Ефимов, И. Жўрабеков, А. Абдувосиқов, А. Икромов, Х. Исамуҳамедов, Р. Маматова, А. Фозилбеков, У. Ҳошимов, Д. Шамшетов, К. Юсупов, А. Отажонов, У. Исмоилов, А. Муталов, П. Нуъмонов, Р. Ражабов, Э. Самандаров, Қ. Ҳаққулов, Б. Ҳамидов, Т. Шарипов, Б. Назаров, Н. Ғойибов, Р. Ғуломов, А. Жабборов, Б. Қориева, М. Қаюмов, О. Ёқубов, Ш. Аббосов, Д. Абдураҳмонова, Г. Измайлова, С. Эшонтўраева, С. Қобулова, Қ. Миркаримова, З. Муҳамаджонов, Ҳ. Носирова, Н. Раҳимов, О. Шомуротова.

АБАДИЯТ

Бугун ғамдан Ўзбекистон санъатининг қадди дол бўлди: дақиқбин санъаткорнинг минглаб вовайло шогирдлари аза очиб, сочини ёйди. Ҳай, аттанг, шафқатсиз ўлим буюк инсонни орамиздан юлиб кетди!

Дейдиларки, бу кўҳна дунёда туғилиш — тасодиф, Оллоҳнинг марҳамати бўлса, ўлим — қонуниятдир. Улуғ санъаткорнинг абадиятга юз ўгирганига кўникиш керакдир балким, аммо идрок бу фикр билан ҳеч ҳам муроса қилгиси келмайди, келмайди. Тақдир ва табиат Тамарахоним деб аталмиш афсонавий инсонни бизга замондош қилиб яратганидан шукур қилмоғимиз, меҳр-шафқат собоғи, инсонга бўлган қайноқ муҳаббати учун ундан тоабад миннатдор бўлмоғимиз керак...

Шерали СОКИН.

ҲАР ТЎКИСДАН БИР ШИНГИЛ

ИДОРА ЎРНИДА... ФАБРИКА

«Коммунизм» жамоа хўжалигида яқинда унутилмас воқеа юз берди: бошқарувнинг икки қаватли муҳташам биносида Гулистон тикувчилик фабрикасининг филиали очилди. Бунгача Мирзо... Турсунматов бо... лар ... аъло ... Хона... 19,5 ... йил... лад...

Б. Шимшар Жумҳурияти Прези- Ургут Озалнинг Ўз-

корлари турар жойлар, маданий-маиший ва жамоат ...нолари қуришда ҳам сут ҳам сифатга эътибор бе... далар. Сўнгги йи... уларнинг кучи била... ...ция- «Ўзбекистон» жамоа ...320 ўқувчи- ...республи...аси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ТАВАЛЛУД КУНИ ҚАЧОН?

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САНА ХУСУСИДА

Ватанга ҳурмат ўша юртнинг удумларию маросимлари, қутлуғ айёмларига эътибордан бошланади. Шундай экан, матбуот саҳифаларида катта мунозараларга сабаб бўлаётган масала — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг таваллуд куни ҳеч биримизни беэътибор қолдирмаслиги равшан. Мазкур сана хусусидаги мунозара тарихий далиллар асосида «Совет Ўзбекистони» рўзномасида бир неча марта ёритилди. Бу мақолаларда Ўзбекистон ССР ташкил топган кун сифатида тан олиниши лозим бўлган қуйидаги саналар келтирилади:

1. 1924 йил 16 сентябрь. Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг Ўзбекистон ССРни тузиш тўғрисидаги қарори.

2. 1924 йил 27 октябрь, яъни СССР Марказий Ижроия Комитетининг «Ўрта Осиё Совет республикалари чегараланиши ва Ўзбекистон ССР ҳамда Туркманистон ССРни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

3. 1924 йил 18 ноябрь. Ўзбекистон ССР Инқилобий Қўмитаси тузилган куни.

4. 1924 йил 17 февраль. Ўзбекистон ССР тузилганлигини эълон қилган тарихий «декларация».

Энди юқорида саналган саналарни таҳлил қилиб кўрайлик. Маълумки, Ўзбекистон ССР ташкил этилгунча мазкур ҳудудда учта мустақил — Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари мавжуд эди.

Бу республикаларда Ўзбекистонни ташкил этиш масаласига турлича ёндашилди ва бир-бирига қарши қарорлар қабул қилинди. Масалан, 1924 йил 10 мартда ТКП Марказий Комитети ва Туркистон МИКнинг Раёсати Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш масаласини муҳокама қилишди. Йиғилишда сўзга чиққан Раҳимбоев ва Хўжановлар миллий чегараланишга қарши гапириб, «Туркистоннинг яхлит тургани маъқул, уни сунъий равишда алоҳида халқларга ажратиб юбориш нотўғри бўлар эди» деб таклиф киритганлар. Аммо уларнинг фикрига жуда кам кишиларгина қўшилишди.

Айнан ўша йилнинг 9 июнида ХКП Марказий Комитетининг миллий чегараланишга бағишланган йиғилишида сўзга чиққанлар Хоразм халқи номидан миллий чегараланишни рад этганлар. Йиғилиш Хоразм республикасини сақлаб қолиш, ҳатто Туркманистон республикасидан Амударё районини Хоразмга беришларини талаб қилиб, қарор қабул қилди. Бухоро республикаси раҳбарлари ўртасида ҳам бу масалада икки оқим вужудга келган, ҳатто Ф. Хўжаев ҳам миллий чегараланишга унча хайрихоҳ эмас эди.

Айтайлик, Туркистон МССР Марказий Ижроия Комитетининг 16 сентябрда миллий давлат чегараланишини ўтказиш ва Ўзбекистон ССРни тузиш тўғрисидаги қарорни республикамиз тузилган кун деб тан олсак, Бухоро ва Хоразм Халқ республикалари ҳуқуқига қисман бўлса ҳам раҳна солган бўламиз. Чунки мазкур республикаларнинг МИКлари ҳали бундай қарор қабул қилган эмас эдилар. Фақат 1924 йил 19 сентябрда Бутун Бухоро Советларининг V Қурултойи миллий давлат чегараланишини ўтказиш ва Ўзбекистон ССРни тузиш тўғрисида қарор чиқарди. 1924 йил 29 сентябрда эса Бутун Хоразм Советларининг V Қурултойи миллий давлат чегараланишини ўтказиш ва Ўзбекистон ССРни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Демак, ҳар учала санада ҳам мазкур республикалар меҳнаткашларининг Ўзбекистон ССРни тузиш ҳақидаги хоҳиш-иродаси ифодаланади, холос.

Шундай экан, республикамизнинг таваллуд кунини ҳар томонлама аниқ, адолатли ҳал этиш зарур. Сўнгги пайтларда мазкур масала юзасидан жуда кўп мунозарали, баҳсталаб мақолалар берилаяпти, бироқ аниқ бир тўхтамга келинмаяпти. Шу боисдан қарийб 65 йилдан буён Ўзбекистон ССР ташкил топган кун деб маълум бир санани айтолмаяпмиз. Ахир Ўзбекистон ССР қадимги Бактрия давлати ёки Кушонлар империяси эмаски, вужудга келган кунни аниқлашда мунозара қилиб юрсак.

Биз таваллуд кунимизни белгилашда тарихий ҳужжатларга суянишимиз ва шу асосда аниқ кунни белгилаб олишимиз даркор.

Иттифоқимиздаги бошқа республикалар мисолида бу масалани тушуниш осонроқ кечади. Масалан Украина ССР тузилишини олиб қарайлик. Украинада 1917 йил 1 ноябргача совет ҳокимияти ўрнатилиб, фақатгина 1917 йил 11—12 декабрда Харьковда бўлган I Бутун Украина Советларининг съезди қабул қилган декларацияга асосан 12 декабрдан (25 декабрь) бошлаб Украина ССР деб юритилган ва шу кун Украина республикаси туғилган кун бўлиб тарихга кирди. Белоруссияда Совет ҳокимияти 1917—18 йилларда ўрнатилиб бўлинган. 1919 йил 1 январда БССР Марказий Ижроия Комитети эълон қилган «Манифест»га асосланган ҳолда Белоруссияни социалистик республика сифатида қонуний равишда эълон қилди.

СССР тузилишига ҳам эътибор берайлик. Турли иттифоқчи республикаларнинг Марказий Ижроия комитетлари СССРни тузиш ҳақида ҳар хил қарор қабул қилганлар. Аммо СССР Советларининг I съезди «Декларация»дан сўнг — 1922 йил 30 декабрь қонуний равишда мамлакатимизнинг туғилган куни сифатида тарихга кирди.

1925 йил 13—17 февраль кунлари Бухорода Ўзбекистон Советларининг I таъсис қурултойи бўлиб, унда Бутуниттифоқ МИК раиси М. И. Калинин қатнашди. У съезднинг тарихий аҳамиятига баҳо бериб «... биз бугундан бошлаб янги давлат биносига дастлабки ғишт қўйдик. Яна бир совет республикасини давлат қурилишига киритдик» деганди.

17 февраль куни «Ўзбекистон ССР ташкил этилганлиги тўғрисида декларация» қабул қилинади. Унда қуйидаги сўзлар бор: «Бугундан эътиборан (яъни 17 февраль) ўзбек юрти ҳудудида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм мажмуида шу халқ тарихида биринчи марта ишчи ва деҳқонларнинг Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси таъсис этилди ва унга Тожикистон Мухтор Совет Социалистик жумҳурияти ҳам киради». Мазкур съездда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси сайланди.

ЎзССР МИК I сессияси республика халқ комиссарлари Советини тузди ва Файзулла Хўжаев унинг раиси этиб тайинланди. Съезд бутун ҳокимият бошқарувини янги сайланган Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетига топширди.

Шундай қилиб, съезд Ўзбекистон ССРни тузиш билан ўз ишини якунлади.

1925 йилнинг 6—12 февралида Бухорода яна бир тарихий сана — Ўзбекистон Компартиясининг I таъсис съезди бўлиб ўтди. Мазкур съезд ЎзКП(б) ташкил топган кун сифатида мозий сардафтарига битилди-ю, 13—17 февраль — Советларнинг биринчи съезди Ўзбекистон ССР тузилган кун сифатида тарихга кирмади.

Менинг фикримча, ана шу ҳақиқатни тиклашнинг, бу масалани адолат тарозисида ўлчаб хулоса чиқаришнинг мавриди келди. Агар биз Ўзбекистон Советларининг I съезди ўтган ва «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузиш тўғрисидаги декларация» эълон қилинган кун — 17 февexpress республикамизнинг таваллуд куни деб эълон қилсак, аввало тарихий ҳақиқатни тиклаган, қолаверса қатағонга учраган элдошларимиз хотираси олдида покланган, уларнинг табаррук руҳларини шод этган бўламиз.

Умар РАШИДОВ,
Файзулла Хўжаев номли Бухоро педагогика институтининг тарихчи-тадқиқотчиси.

Саёҳлик йўлларида

ЎЗБЕКИСТОН ИСПАНИЯ БИЛАН УЧРАШМОҚДА

Ўзбекистонлик сайёҳлар харитасида янги ғаройиб йўл пайдо бўлди — Испанияга бориш имконияти туғилди. Шу тариқа Ўзбекистон ва Испаниянинг сайёҳлик ташкилотлари амалий муносабатларида янги саҳифа очилди. Республика сайёҳлик ва экскурсиялар кенгаши билан Испаниянинг «Теинку» сайёҳлик фирмаси ўртасидаги ҳомаки аҳдлашув Тошкентда расмий битим тарзида имзоланди.

Дастлабки пайтларда иккала манфаатдор ташкилот саёҳатчилар гуруҳларини валютасиз айирбошлайдилар. Келгуси йилдан бошлаб томонлар бирмунча қулай бўлган — жадвалдан ташқари буюртма рейсларни йўлга қўйишни мўлжалламоқдалар. Сайёҳлар Тошкент —Мадрид — Тошкент ва Мадрид — Тошкент — Мадрид йўли бўйлаб ҳаракат қиладилар. Келгусида бошқа таклифлар ҳам кўриб чиқилади.

Шу битимни имзолаш учун фирма президенти Угано Лосада Теинку Ўзбекистон пойтахтига келди. Меҳмон Тошкентдан ташқари Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч каби қадимий шаҳарларнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари билан танишади. Бу режа Испания сайёҳлик фирмасининг раҳбарига таклиф этилиши тасодифий эмас. Испан сайёҳлари учун мутахассислар Ўзбекистон бўйлаб айни мана шу йўлни режалаштириб қўйганлар. Роҳатижон автобусларда сайр қилиш ўн кунга мўлжалланган. Ана шу саёҳатларнинг биринчиси июль ойида ўтказилади.

Кейинроқ ўзбекистонлик сайёҳлар Испанияга йўл оладилар. У ерда сайёҳларимиз, жумладан, денгиз соҳилида тўрт кун ҳордиқ чиқарадилар. Улар Испания пойтахти — Мадрид билан танишадилар, бир қанча йирик шаҳарларда бўладилар, турли вилоятларга борадилар.

Бу Ўзбекистон республика сайёҳлик ва экскурсиялар кенгашининг бевосита хорижий фирма билан тузган биринчи катта битимидир.

(ЎзТАГ мухбири).

Москвадаги Рига бозори ҳар куни содир этилаётган жиноятнинг кўплигию, хилма-хиллиги билан жаҳонга танилди, дейилса муболаға бўлмайди. Бу ерда чайқовчиликдан тортиб, қаллоблик, безорилик, ўғрилик шу қадар авж олганки, кўп ўтмай милиция ҳам вазиятни назорат қилолмай қолиши ҳеч гап эмас. Ахир бир килограмм чўчқа гўштининг нархи қачон 50(!) сўм бўлган? (Чапдаги сурат).

Одесса бозорлари ҳам бугун анча камбағал, нарх-наво эса осмонда. Сотувчилар билан бироз савдолашиб кўрсангиз одессаликлар турмушини тасаввур қиласиз. (Ўнгдаги сурат).

А. ШОГИН ва В. ВЕЛЕНГУРИН олган суратлар. (ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

РЕСПУБЛИКАНИНГ мустақил бўлганлиги Тожикистон ...рияти мустақил демократик давлатлар янги иттифоқига қўшилишдан воз кечишини билдирмайди» — деди шу республика Президенти вазифасини бажарувчи Қадриддин Аслонов. Республика раҳбари шу фикрни ривожлантириб, мустақил Тожикистон ўзини иттифоқдан ташқари тасаввур қилмаслигини ва мустақил давлатлар тўғрисидаги шартномани тайёрлаш ҳамда уни республикаларнинг ҳар бири иттифоқ... иштирок этишнинг шаклини мустақил танлаб оладиган тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шароитда имзолашни тезлаштириш учун ҳаракат қилаётганлигини таъкидлади.

* * *

САРАНСК шаҳрида «Демократик Россия» ҳаракатининг маҳаллий бўлими томонидан ташкил этилган умумшаҳар митинги қатнашчилари Мордовия ССР Олий Кенгашини истеъфога чиқишга мажбур этиш керак, деган талабни қўйдилар. Парламент иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги кўпгина етилган муаммоларни ҳал этишга қодир эмаслиги сабабли республика аҳолисига мақбул бўлмаяпти. Олий Кенгаш биносини яқин кунларда кечаю кундуз тўсиб қўйиш мўлжалланмоқда.

* * *

ҚОЗОҒИСТОН Президенти Н. Назарбоев Матбуот, телевидение ва радио эшиттириш республика комитетларини, матбуот ва бошқа оммавий-ахборот воситаларида давлат сирини сақлаш бош бошқармасини тугатиш тўғрисида фармон чиқарди. Бу маҳкамаларнинг ҳаммаси республика матбуот ва оммавий-ахборот воситалари вазирлиги ихтиёрига берилди.

* * *

ЭСТОНИЯ ССР ташқи қарзининг бир қисмини тўлашни ўз зиммасига олиши лозим, деди ҳукумат бошлиғи Эдгар Сависар парламентда. Унинг фикрича, бу улушнинг миқдори Эстония иқтисодиётига қарз учун ажратилган маблағ даражасига боғлиқ бўлади. Маҳаллий матбуотнинг хабар қилишича, бу миқдор 6 миллиард сўмдир.

(ТАСС).

1991 Алишер Навоий йили

ЁДЛАБ ОЛИНГ

ЭЙ ЖОНУ КУНГУЛ, БИР-БИРИНГИЗГА ҚОРИШИНГ,
УЛ КУЙ САРИ РАХШИ ТАМАННО ЕРИШИНГ.
ҲОЛ УСТИДА ЭРКАНИМ СУЗИН УТКОРИШИНГ,
ҲОЛИМНИ СУРАРҒА КЕЛМАСА, ЕЛБОРИШИНГ.

Навоийни тушунмоқ учун

Тил яқин — дил яқин

ИБЛОҒ — етказиш, хабар қилиш, дарак бериш.
ИБОД — қуллар, бандалар, ибодат этканлар.
ИБОДУЛЛОҲ — одамлар, оллоҳнинг бандалари.
ИБОҲАТ — мумкинлик, мубоҳ қилиш, рухсат этилганлик.
ИБРА — хазина кирими, солиқ.
ИБРИЙ — яҳудий, иброний.
ИБРИҚ — сув идиш, кўза, обдаста.
ИБРО — даволаш, тузатиш, шифо.
ИБРОМ — қисташ, зўрлаш, жонга тегиш.
ИБТИЛО — мубталолик, балоға гирифтор бўлиш, жабр ва зулмга дучор бўлиш, тушкунлик.
ИБТИҲОЖ — хурсандчилик, хушнудлик.
ИГАР — айлантирмоқ, гир айлантирмоқ, от ўйнатмоқ.
ИГЛАН — касал бўлмоқ, хасталанмоқ.
ИГРИМ — сувнинг айланиб оқадиган жойи, гирдоб.
ИДБОР — бахтсизлик, тушкунлик, иш орқага кетишлик.
ИЖТИМОЪ — йиғинди, қўшилма, бирикма, жам.
ИЖТИНОБ — тортиниш, узоқлашиш, сақланиш, четлашиш.
ИЖТИҲОД — тиришиш, саъй, жаҳд, ҳаракат.
ИЗДИВОЖ — никоҳ қилишлик, эр-хотин бўлишлик.
ИЗДИЕТ — ортиш, кўпайиш.
ИЗЗ — куч, қудрат, иззат, шараф, қиймат.
ИЗЛОЛ I — хорлаш, таҳқирлаш.
ИЗЛОЛ II — адаштириш, йўлдан оздириш.
ИЗО — озор, азоб, ранж.
ИЗОМ I — катталар, улуғлар.
ИЗОМ II — суяклар.
ИЗОРА — уй деворининг ер билан токча орасидаги қисми.
ИЗОФА//ИЗОФАТ — қўшимча қўшиш, тиркаш, боғланиш.
ИЗТИРОР — ночорлик, чорасизлик, эҳтиёж, мажбурий.
ИЙМОЗ — ялтираш, ярқлаш, ёруғлик кўрсатиш.
ИЙНАЛМАК — қийналиш, нола қилиш.
ИЙҲОМ — 1. ваҳм, гумон, чалғитиш, нотўғри тасаввур бериш;
2. шеърий санъат, шеърда икки маъноли сўз ишлатиб, шундан энг кам ишлатиладиган маъносини мақсад қилиб олиш.
ИЙҲОМАНГИЗ — шеърий, ...ҳом, қўзғатувчи, нуктадор-...
...РОҲ — жирканиш, ёмон ...ёктирмаслик, зўрлаш.
... — эликсир, оби ҳа-...
ИЛЗОМ — мулзам, енгилиш.
ИЛИҚ//ИЛКИ//ИЛГИ I — 1. қўл.
2. панжа.
3. ўзлук, шахсият.
4. қарам.
5 яхши амал.
6. буйруқ.
7. бисот.
8. ихтиёр.
ИЛОЙИДА — олдида, ҳузурида, муқобилида, қаршисида (кўмакчи).
ИЛТИЁМ — бирикиш, битиш, тузалиш.
ИЛТИЗОЗ — лаззатланиш, лаззат.
ИЛТИЗОМ — бирор ишни ўзига лозим қилиш, ўз зиммасига олиш.
ИЛҚО — ташлаш, тарк.
ИЛҒА — тез юрмоқ, ҳужум этиб бормоқ.
ИЛҲОД — динсизлик, худога ишонмаслик.
ИЛҲОН — куйлаш, хушовоз куйлар, овозлар.
ИМОНСЎЗ — ишончни йўқ қилувчи.
ИМСОК — сақлаш, тийиш, парҳез; қўлдан чиқармаслик, ман этиш, бахиллик.
ИМТИДОД — чўзилиш, узайиш, давомли бўлиш.
ИМТИЗОЖ — аралашиш, қоришиш.
ИМТИЛО — тўлиш, тўйиш.
ИМТИНОЪ — қабул қилмаслик, рад этиш.
ИМТИСОЛ — бўйсуниш, итоат қилиш, намуна олиш, тақлид қилиш.
ИНАЛ — ялинмоқ, ёлбормоқ.
ИНБИСОТ — 1. ёйилиш, ёзилиш;
2. шодлик, фараҳлик, хурсандлик.
ИНДИРОЖ — бирон нарса доирасига, таркибига киритилиш.
ИНЗИВО — четлашиш, якканиш, дунё ишларидан воз кечиш, хилватда қолиш.
ИНКИСОР — синиш, синиқ, шикастлик.
ИНО — идиш.
ИНОД — ўжарлик, қийиқлик, қасдма-қасдлик.
ИНОНТОБ — жилов бурувчи, бошқа томонга йўналувчи, йўналтирувчи.
ИНОС — аёллар, хотинлар.
ИНТИБОҲ — уйғониш, хушёрлик, огоҳлик.
ИНТИСОБ — нисбатлик бўлиш, тегишлилик, бирор маслакка мансублилик.
ИНТИФО — наф, баҳрамандлик.
ИНТИХОБ — сайлаш, танлаш.
ИНТИШОР — ёйилиш, тарқалиш.
ИНТИҚОД — ажратиш, танқид.
ИНТИҚОЛ — кўчиш, бир ...дан иккинчи жойга ўтиш, ...қа шаклла...

са... гу... шун... жо хи... шоотлар... қонун бил...

Ҳеч ким ўз диний эътиқодига кўра, қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаши мумкин эмас. ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ қонунларида кўзда тутилган ҳолларда-гина эътиқод туфайли бир вазифани бошқаси билан алмаштиришга йўл қўйилади.

5-модда. **Динларнинг ва диний ташкилотларнинг давлатдан ажратилиши**

Ўзбекистон ССЖда динлар ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилгандир. Бир дин ёки диний эътиқод учун иккинчи бир дин ёки эътиқодга нисбатан бирон-бир даражада имтиёз ёки чеклаш белгилашга йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг қандайдир вазифаларини бажаришни юкламайди, диний ташкилотларнинг қонунларга зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийликни

...ҳуқуқига эгадирла... ...ланган. учун ўзларига қара... ...ланиш, ўзларига фойдалани... ...тортиш. бериб қўйилган бино... тери- фойдаланишлари мум... ки-

Болаларни фақат м... ёшига етганда макта... ...вуш машғулотлардан бўш ва... ...оқ. ота-оналарининг ёки у... ...зи- ўрнини босувчи шахсл... нинг ёзма розилиги бил... ...ан балоғат ёшига етганла... эса ўз хоҳишларига кў... ташкилий равишда ди... таълимотга ўргатишга... қўйилади.

Диний таълимотдан с... боқ берувчи шахслар ма... сус диний маълумотга э... бўлишлари ва ўз фаолия... ларини диний бошқарма... нинг, марказнинг ижозати... билан амалга оширишлари... шарт. Хусусий тартибда... диний таълимотдан сабоқ... беришга йўл қўйилмайди.

Ушбу тартибларнинг бу... лиши қонунга мувофиқ ж... вобгарликка тортилиш... олиб келади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

7-модда. **Диний ташкилотлар**

Диний жамоалар, бошқармалар ва марказлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар Ўзбекистон ССЖдаги диний ташкилотлардир. Диний ташкилотлар ўз бошқарма ва марказлари орқали иш кўрадилар.

Ўзбекистон ССЖда диний ташкилотлар, жамоалар фуқароларнинг эътиқод қилиш ва маслакни тарғиб этиш...ан иборат диний эҳтиёж...ларини қондириш мақсади-

да тузилади ва ўз тарки... га мувофиқ иш юритади, Низомига кўра ўз ходим... рини сайлайди, тайинла... ва алмаштиради.

Ўзбекистон ССЖда ди... руҳдаги бирон-бир парт... жумҳуриятдан ташқар... ташкил этиладиган ди... партияларнинг шўъбала... бўлимлари, бўлинмала... тузилишига ва иш юрит... шига, шунингдек, миссион... лик фаолиятига йўл қўйи... майди.

8-модда. **Диний жамоа...**

Диний жамоа биргалик... динга эътиқод қилиш...

ЯШИН ТУШДИ

Оҳангарон районидаги Шавғоз қишлоғида яшовчи Жўрабек Имомовнинг уйига яшин тушди, уй устунларидан бирини майдалаб, диван, шифонерларни бирин-кетин ёндирди, уч табақали пардоз ойнасини синдирди. Яшин тушганда болалар уйда катталар ҳовлида эдилар. Айвондаги икки кучук боласи ҳушсиз йиқилиб, бир неча соат ўзига келолмади.

— Худога шукур. — Ҳаммамиз соппа-соғмиз, — кулиб эслайди қишлоқ ўқитувчиси Ж. Имомов, — яшин тилло бор жойга тушади, дейишади, уйнинг яшин тушган жойини ковлаб кўрсаммикан-а? — дея ҳазил қилади кўнгил сўраб борганларга...

Ш. СОДИҚОВ.

Халқ осойишталигини сақлаш йўлида ажалга кўксини қалқон қилаётган сафдошларимизнинг сони кундан-кун кўпайиб бормоқда. Ҳеч кимга сир эмас, милиция ходимлари яқин кунларгача қонуний ва ижтимоий муҳофазасиз эдилар. Бугунги кунга келиб камчиликлар бартараф этилмоқда. Айниқса, бу ишнинг хизмат вақтида ҳалок бўлганлар оилаларига ёрдам беришдан бошлангани таҳсинга сазовордир. Яқинда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда вазир муовини, полковник К. Б. Боймуродов, СССР халқ депутати, милицияга кўмаклашувчи хайрия жамғармаси президенти И. Сорокинлар ҳалок бўлган милиция ходимлари оила аъзоларига ёрдам пулларини топширдилар.

СУРАТДА: Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ходими, милиция катта лейтенанти Р. Халилов ҳалок бўлган милиция катта лейтенанти Тўлқин Расуловнинг онасига гул тақдим қилмоқда.

К. ЗИКРИЛЛАЕВ олган сурат.

Шахмат оламида

МУҲТАРАМ РЕДАКЦИЯ! Мен телевидение экранида биринчи марта «Россиянинг оппоқ қори» бадиий фильмини ўзбек тилида кўрдим. Бу кино биринчи рус жаҳон шахмат чемпиони Александр Алёхиннинг ҳаётидан экан. Жуда ҳаяжонландим. Бир шахмат мухлиси сифатида унинг ҳақида газетада муфассалроқ маълумот беришингизни истардим. Нега у хорижий давлатларда яшади!..

Ҳурмат ила: Улуғ Ватан уруши ногирони Тилав САИДОВ.

Бухоро шаҳри.

АЖОЙИБ ЎЙИНЛАР ШОҲИ

ШАХМАТ нималигини билмайдиган бирон-бир мамлакат бўлмаса керак. Давлатларнинг аксарияти — 120 дан ортиғи Халқаро шахмат Федерациясининг аъзоларидир. Жаҳон шахмат аҳли Москвани чинакам муқаддас шаҳар деб билади. Сабаби аён — мана 40 йилдирки (бундан 1972-75 йилларгина мустасно) шахмат тожи москваликларни бегона қилмаяпти. Айтгандай, бунга Алёхин «ҳукмдор»лик қилган 17 йил (1927-1935 ва 1937—1946) қўшилса, жаҳон чемпионлиги расман эълон қилинган салкам 100 йилнинг ярми москваликлар измида ўтганлиги маълум бўлади.

1927 йилнинг 15 сентябрида Буэнос-Айрес шаҳрида Александр Алёхин «енгилмас чемпион», «шахмат автомати» деб шуҳрат таратган Хосе Рауль Капабланка билан ҳаёт-мамот жангига киришади ва уни енгади. Шундай қилиб, энг юксак унвонни биринчи марта рус шахматчиси қўлга киритади.

Ягона мақсадни кўзлаган, бутун ҳаётини шахмат «тожи»ни эгаллашга тиккан, руҳан бақувват, лекин тафаккур курашида муҳожирлигига қарамай ватан шаънини улуғлашга ҳисса қўшган Алёхиннинг қадри совет халқи учун айниқса салмоқлидир.

Лев Толстойнинг ўтган аср охирларидаги: «Мен ўзимда бўлган шахмат ватанпарварлигини енголмайман ва жаҳоннинг энг кучли шахматчиси рус кишиси бўлишини истамасдан тура олмайман» деган орзусини рўёбга чиқарган Александр Алёхин бўлди.

Александр Алёхин 1892 йил 1 ноябрда Москвада туғилди. У 16 ёшиданоқ халқаро турнирларда иштирок эта бошлайди. 1909 йилда Бутун Россия ҳаваскорлар турнирида биринчи ўринни эгаллаб маэстро унвонини олади. Алёхин камолот чўққилари сари илдам қадамлайди. 1912 йили Швецияда, 1913 йили Голландияда ўтказилган халқаро турнирларда ғолиб чиқади. Бир йилдан кейин эса Петербургда жаҳон чемпиони Ласкер ва бўлажак тождор Капабланкадан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Алёхиндаги истеъдод, чидам, фикрий муҳорабаларга шайлик, кураш усуллари бирбири билан уйғунлашиб борди.

1921 йилнинг кузида учта катта халқаро турнирда ғолиб чиққанидан сўнг уни «Европа чемпиони» деб атай бошладилар. Бир томонлама шуҳратпарастлик туфайли Алёхин қалтис қарорга келади: у ватанига қайтмай, Ғарбда қолади, лекин кейинчалик кўп афсус ейди.

Алёхин жаҳон чемпиони бўлганидан сўнг ҳам оддий мусобақаларда биринчиликни қўлдан бермади. Алёхин ўзининг 35 ёшлигини жаҳон чемпионлиги билан нишонлаган бўлса, орадан саккиз йил ўтгач — 1935 йилга келиб унга тенглашадиган бирорта ҳам шахматчи топилмади. Энди уни фақат бир нарса— ўз ватанидан жудо бўлганлиги қийнар эди. Қани энди ўз юртида бўлсаю муваффақиятларини дўстлари билан баҳам кўрса...

Руҳий азоблар чангалидан қутулиш чорасини топа олмаган Алёхин майхўрликка берилиб, эътибордан қолади, шахматга бўлган меҳр-муҳаббатини аста-секин йўқота бошлайди. Шу ҳолда у 1935 йили голландиялик Макс Эйве билан матч ўйнаб, 14,5:15,5 ҳисобида мағлуб бўлади, унвонидан ажрайди. Мағлубият Алёхинни ҳушига келтиради ва ўша ердан — Голландиядан Москвага телеграмма йўллаб, ватандошлари — совет шахматчиларига Москвага фақат юксак унвон билан боражагини айтади. У ичишни ташлаб, такрорий матчга тайёрлана бошлайди. Икки йил ўтгач, Эйвени 15,5:11,5 ҳисобида қақшатгич зарбага учратади ва унвонини қайтариб олади.

Алёхиннинг ватанига қайтмоғига тасодифлар тўсқинлик қилди. Аввал унвонидан ажраб қолган бўлса, М. Ботвинник билан беллашиш учун Москвага келишга тараддудланиб турганда иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди ва ниҳоят, урушдан кейин кечиктирилган ўша ўйинга тайёргарлик кўриб турганда орзусига шафқатсиз ажал ғов бўлди. 1946 йил 24 мартда Алёхин 54 ёшида Португалиянинг Эсториаль шаҳрида кўққисдан вафот этди. Енгилмай оламдан кўз юмган буюк даҳонинг ажойиб ўйинлари, чуқур таҳлиллари, яратган китоблари жаҳон шахмат маданияти олтин хазинасига абадий қўшилган дурдоналардир.

«Менинг учун, — деган эди бир неча тилда бемалол сўзлаша ва ёза оладиган ҳуқуқшунослик фанлари доктори Алёхин, — шахмат — ўйин эмас, санъатдир. Мен унинг санъат эканини исботлашнинг кафилини олишга тайёрман... Шахмат кишини дунёга оқилона қарашга, ўзининг хато ва камчиликларига тўғри баҳо беришга ўргатади».

Алёхин шахмат композицияси (сунъий тузиладиган масала ва этюдлар)ни жуда яхши кўрган ва уни шахмат поэзияси деб атаган. Унинг ўзи ҳам бир қанча шахмат масалаларини тузганлигига қарамай, уларни эълон қилмаган. Бунга асосан унинг камтарлигию ўзига ўта талабчан эканлиги сабаб бўлган. Мана у тузган масалалардан бири.

Шарти: оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади. Масалани ажойиб юриш ҳал этади. Ечимини топгач, жаҳон чемпиони бу соҳада ҳам чакки эмаслигига имон келтирасиз. Шуни ҳам билиб қўйинг: Алёхин бу масалани тахтага қарамай — фикран тузган.

У бирйўла ўттиздан ортиқ тахтада ғойибона, яъни доналарни кўрмай сеанс бера олган, бутун ҳаётида ўзи ўйнаган партиялардан ташқари бошқаларнинг яна минглаб ўйинларини ёд билган ажиб хотира соҳиби бўлган.

Рус шахмат мактабининг асосчиси Михаил Чигоринни (1850—1908) нафақат кўрган, ҳатто у билан дона суриш бахтига эришган СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Фёдор Иванович Дуз-Хотимирский (1879—1965) Ўзбекистонга бир неча бор келиб, 1931 йил республика чемпионлигини ҳам олган. Бўлажак биринчи рус жаҳон чемпионининг бир вақтлардаги мураббийси Дуз-Хотимирский ўзбек шинавандаларига ҳам раҳнамолик қилган экан. Республикамиз шахматчиларининг ижоди буюк Алёхингача бориб тақалади, дейишга ҳақлимиз.

Ҳурматли Тилав ака! Ўша сиз кўриб ҳаяжонга тушган кинофильм сценарийси устида 20 йилча тер тўккан киши Александр Котовдир. Унга муаллифнинг 1965 ва 1966 йилларда икки бор кўп нусхада чоп этилган «Оқлар ва қоралар» романи асос қилиб олинган. Асар 1968 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ўзбек тилида босилган. Таржимон сифатида китобхонларимизни, шахмат шайдоларини Алёхиндек улуғ зот ҳаёти билан таништиришга ҳисса қўшганимдан бениҳоя мамнунман.

Мамажон МУҲИТДИНОВ,
тарих фанлари номзоди,
СССР спорт устаси.

...и

...сусида ички ишлар бўлимига нажот сўраб мурожаат этди. Аёлни унинг кўз ёшларисиз ҳам тушунса бўларди: ҳар нарсага кўнгил қўявермай, йиллаб ўзини тийиб йиққан омонати — 2.000 сўм пулини, 350 сўмлик «Весна» магнитофонини, 128 сўмлик уй-рўзғор буюмларини номаълум шахс ўғирлаб кетган.

Зарур чоралар дарҳол қўлланилгани сабабли жиноятга дахлдор шахслар милиция томонидан қўлга олиндилар: Қаҳрамон Эгамов — Янгиқишлоқ қўрғонида яшайди, Ҳасан Бўлтаков Киров номли давлат хўжалигидан. Ўғирланган буюмлар ашёвий далил сифатида улардан мусодара қилинди. Мазкур иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

Баҳром ҲАСАНОВ,
Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг ходими.

БУГУН: «Народное СЛОВО» саҳифаларида

Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамасининг қарори, афғон урушида ҳалок бўлган бўстонлиқлик 26 байналмилалчи-жангчи хотирасига Совет ёшлари кунида ўрнатилган ёдгорлик очилишидан репортаж биринчи саҳифадан ўрин олган.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонуни билан иккинчи саҳифада танишасиз.

Улуғ Ватан уруши фахрийси Л. Белов учинчи саҳифада берилган «Қирқ учинчи йил лейтенанти» сарлавҳали мақоласида ўз хотиралари билан ўртоқлашади.

«Ўсмир ва жамият» рукни остида милиция майори Ш. Аҳмедовнинг мақоласи, республикамизда шанба куни ўтказилган бир қатор тадбирлар ҳисоботи билан тўртинчи саҳифада танишишингиз мумкин.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ЎзССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

«Тошэкс» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида малакали ишчи кадрлар тайёрловчи 17-ҳунар-техника билим юрти 9—11-синф битирувчиларини қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, механика-йиғув ишлари чилангари, автомобилларни таъмирловчи чилангар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун 2—3 йил; 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун 10 ой. Ўқувчиларга 80 сўм стипендия берилади.

Билим юрти шартнома асосида ўқувчиларга транспорт воситаларининг «С» тоифали ҳайдовчиси гувоҳномасини олиш учун ДОСААФда ўқишга йўлланма беради. Шунингдек ёшларни Туркистон ҳарбий округида ҳарбий хизматга тайёрлайди.

Қуйидаги касбдаги мутахассисликлар бўйича пуллик курслар очилган:

автомобилларни таъмирловчи чилангар (карбюраторчи-моторчи, автоэлектрчи-аккумуляторчи, агрегатчи-кузовчи).

Ишлаб чиқариш практикаси автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияларида ўтказилади. Битирувчиларга мутахассислиги бўйича гувоҳнома берилади.

Ўқиш ҳақи—280—400 сўм. Ўқиш муддати—2,5 ой.

«Тошэкс» ишлаб чиқариш бирлашмаси:

токарларни, штамповчиларни, металл қирқувчиларни, электр-пайвандчиларни, кранчиларни, электромонтёрларни, қуйиш цехлари ишчиларини ва шу касблар бўйича шогирд ўқувчиларни

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мутахассислиги бўлмаган шахслар корхона қошидаги қисқа муддатли курсларда касб ўрганишлари мумкин. Ишга қабул қилинганлар шаҳар пропискаси билан таъминланадилар, уларга шинам ётоқхонадан жой берилади.

Замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт комплекси, болалар боғчаси ишлаб турибди. Малакали мутахассисларга бир йил давомида оилавий ётоқхонадан жой ажратилади.

Корхонада тўлиқ бир йил ишлаган ишчи ходимларга имтиёзли шартларда техник олий ўқув юртларининг кечки бўлимларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўртача ойлик маош — 350-450 сўм, шогирдларга ўқиш даврида келишув асосида 150-220 сўм маош тўланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри — 52, Содиқов кўчаси, 6-уй. (4, 5, 24-троллейбусларнинг «Старт» стадиони» бекати).

Телефонлар: СПТУ—17 — 68-67-09, 68-68-74;
«Тошэкс» бирлашмаси — 35-62-92.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ НОМИДАГИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ
БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги ихтисослар бўйича кундузги бўлимга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Математика (ўқиш ўзбек ва тожик тилларида); математика ва физика (ўқиш рус тилида); физика ва астрономия; физика ва математика; химия ва биология; биология ва қишлоқ хўжалик меҳнати; география ва биология; тарих; рус тили ва адабиёти; миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; ўзбек тили ва адабиёти; рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти; ўзбек тили ва адабиёти ва эски ўзбек ёзуви; тожик тили ва адабиёти; чет тили (инглиз ва немис тиллари); меҳнат ва касб-ҳунар таълими; жисмоний тарбия (ўқиш ўзбек ва рус тилларида); бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия (ўқиш рус тилида); мусиқа; меҳнат; чизмачилик ва тасвирий санъат; педагогика ва психология (мактабгача тарбия муассасалари); педагогика ва бошланғич таълим методикаси (ўқиш ўзбек ва тожик тилларида); педагогика ва тарбиявий ишлар методикаси.

Шунингдек, Тожикистон республикаси олий ўқув юртларида тожик тилида ўқиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўзаро келишув асосида қабул эълон қилинади:

Математика; физика; химия; биология; география; тарих; тожик тили ва адабиёти; меҳнат; мусиқа; педагогика ва психология (мактабгача тарбия муассасалари); педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Кўрсатилган ихтисосларга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

Математика: математика (оғзаки), математика (ёзма), она тили ва адабиёти (диктант);
Математика ва физика: математика (ёзма), физика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант);
Физика ва астрономия: физика (оғзаки), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант);
Физика ва математика: физика (оғзаки), математика (оғзаки,) она тили ва адабиёти (диктант);
Химия ва биология: химия (оғзаки), биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант);
Биология ва қишлоқ хўжалик меҳнати: биология (оғзаки), химия (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант);
География ва биология: география (оғзаки), биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант);
Тарих: СССР тарихи (оғзаки), она тили ва адабиёти (оғзаки ва иншо);
Рус тили ва адабиёти, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти: рус тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки);
Ўзбек тили ва адабиёти, рус мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти ва эски ўзбек ёзуви: ўзбек тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки);
Тожик тили ва адабиёти: тожик тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки);
Инглиз ва немис тиллари: чет тили (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо), СССР тарихи (оғзаки);
Меҳнат ва касб-ҳунар таълими: меҳнат (оғзаки), математика (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант);
Жисмоний тарбия: жисмоний тарбия, биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант);
Бошланғич ҳарбий таълим: бошланғич ҳарбий таълим, жисмоний тарбия, она тили ва адабиёти (диктант);
Мусиқа: мусиқа (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки);
Чизмачилик ва тасвирий санъат: чизмачилик, расм, она тили ва адабиёти (диктант);
Педагогика ва психология (мактабгача тарбия муассасалари): она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), биология (оғзаки);
Педагогика ва бошланғич таълим методикаси: она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), математика (оғзаки);
Педагогика ва тарбиявий ишлар методикаси: она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), СССР тарихи (оғзаки);

Ҳужжатлар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 16 июлдан 31 июлгача бўлиб ўтади.

Талабалар сафига қабул 1 августдан 5 августгача ўтказилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, ўрта ёки олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажига эга бўлганлар учун).

Паспорт, ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Манзилимиз: Бухоро шаҳри, К. Маркс кўчаси, 5-уй. (4, 6, 8, 16, 17-автобусларнинг «Горводоканал» бекати).

Телефон: 4-29-90.

...он МУХТОРОВ.
... ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ...имомалиев, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲО...ОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, ...ИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ... УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, ...мад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00
Босишга топширилди 23.30.
Индекс: 64608. 5717-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Халқ сўзи